БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 235 (982)

27 НОЯБРЬ ЧОРШАНБА 1957 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 тиин

Социалистик давлатлар бошқа ҳамма мамлакатлар билан ҳам, башарти улар буни хоҳласалар, иқтисодий ва маданий алоқаларни тенглик, ўзаро манфаатдорлик ва бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик асосида ҳар томонлама кенгайтириш тарафдоридирлар.

Социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партияларининг Декларациясидан.

Пролетар интернационализми байроғи остида

Совет халқи, бутун прогрессив инсоният шу йил ноябрь ойида Ватанимиз пойтахти — Москвада бўлиб ўтган коммунистик ва ишчи партиялари вакилларининг кенгашларида қабул қилинган Декларацияни ва Тинчлик Манифестини қизғин маъқулламоқдалар. Чунки Декларацияда ва Тинчлик Манифестида жаҳондаги барча тинчликсевар халқларнинг орзу-умидлари, интилишлари, мақсадлари ўз ифодасини топган.

Москвада бўлиб ўтган коммунистик ва ишчи партияларининг кенгашлари ҳозирги халқаро аҳволнинг энг муҳим масалаларини муҳокама қилди, халқаро ишчилар ҳаракати ривожланишининг бундан кейинги тараққиёт йўлларини белгилаб берди. Кенгаш марксча-ленинча идеологиянинг бирлиги, пролетар интернационализми принциплари билан боғланган қардош партияларнинг ўз ўрталаридаги муносабатларни характерлайдиган мустаҳкам ҳамкорлик ва самимият руҳида ўтди.

Социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари вакилларининг кенгашида қабул қилинган Декларация ҳамда капиталистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари вакилларининг кенгашида қабул қилинган Тинчлик Манифести жуда катта халқаро аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар бўлиб, уларда халқаро коммунистик ва ишчи ҳаракатининг кураш тарихи умумлаштирилган, ҳозирги халқаро аҳволга марксча-ленинча анализ берилган, ишчилар ҳаракатининг бундан кейинги перспективалари белгиланган.

Давримизнинг асосий мазмуни, дейилади социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари вакиллари кенгашининг Декларациясида, — **капитализмдан социализмга ўтишдан иборат бўлиб, буни Россияда Улуғ Октябрь социалистик революцияси бошлаб берди. Эндиликда бутун дунё аҳолисининг учдан бир қисмидан кўпроғи — тўққиз юз эллик миллиондан кўпроқ киши социализм йўлига ўтди ва янги ҳаёт барпо қилмоқда».**

Урушдан кейинги даврда империализмга қарши миллий ҳаракатнинг мавж уриб ўсганлиги социализм кучларининг кенг миқёсда ривожланишига имконият туғдирди. Бу эса империализмнинг емирилиш жараёнини ғоят тезлаштириб юборди. Империализм инсониятнинг кўп қисми устидан ҳукмронлик қилишдан маҳрум бўлди.

Бизнинг давримизда жаҳон тараққиёти бир-бирига қарама-қарши турган икки система — социалистик система ва капиталистик система ўртасидаги мусобақанинг бориши ва натижалари билан белгиланади. Социализм қирқ йил ичида илғор ижтимоий система сифатида капитализмга нисбатан ғоят устун эканлигини исбот қилди. Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг СССР Олий Советининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллигига бағишланган юбилей сессиясида қилган тарихий докладида 40 йил ичида Совет Иттифоқининг экономика, фан ва техника соҳасида эришган катта муваффақиятлари яққол далиллар билан кўрсатиб берилди.

Социализм тобора юксалиб бораётган бир шароитда империализм ҳалокатга юз тутмоқда. Мустамлакачилик системасининг емирилиши натижасида империализмнинг позициялари анча заифлашиб қолди. Империалистик давлатларда ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасидаги зиддият тобора кескинлашмоқда. Жаҳон капиталистик экономикаси беқарор бўлиб қолмоқда. Империалистик давлатлар яқинлашиб келаётган кризислардан қутилиш учун зўр бериб қуролланишга, янги жаҳон урушини очишга интилмоқдалар. АҚШдаги агрессив империалистик доиралар зўравонлик сиёсати деб аталган сиёсатни ўтказиб, дунёдаги мамлакатларнинг кўпчилиги устидан ҳукмронлик қилишга интилмоқдалар, инсониятнинг олға қараб ҳаракат қилишига ҳалақит беришга уринмоқдалар. Улар «коммунизмга қарши кураш» ниқоби остида мамлакатларнинг тобора кўпроқ қисмини ўз ҳукмронлигига бўйсундиришга интилмоқдалар. Америка Қўшма Штатлари империалистлари «Даллес-Эйзенхауэр доктринаси» деб аталган машъум планни халқларга мажбуран қабул қилдиришга ва бу билан Яқин ва Ўрта Шарқ районида тинчлик ишига хавф солишга уринмоқдалар. Агрессив СЕАТО блоки Шарқи-Жанубий Осиёда урош хавфини тўдирмоқда. Ғарбий Германияда АҚШнинг ёрдами билан герман милитаризми қайтадан тикланмоқда. Демак, империализм сақланиб қолар экан, агрессив урушлар учун замин бўлаверади.

Ҳозирги вақтда уруш ёки тинч-тотув яшаш масаласи жаҳон сиёсатининг туб проблемаси бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам барча мамлакатларнинг халқлари империализм томонидан вужудга келтирилаётган уруш хавфига қарши ғоят хушёр бўлишлари лозим.

Тинчлик кучлари тобора ўсмоқда ва мустаҳкамланмоқда. Бу эса ҳозирги кунда урушнинг олдини олиш учун реал имкониятларни яратиб беради. Ҳозирги даврнинг қудратли кучлари: Совет Иттифоқи бошчилигидаги социалистик давлатларнинг енгилмас лагери, Осиё ва Африкада империализмга қарши позицияда турган ва социалистик мамлакатлар билан бирга тинчликнинг кенг зонасини ташкил этган тинчликсевар давлатлар, халқаро ишчилар синфи ва биринчи галда унинг авангарди бўлган коммунистик партиялар, мустамлака ва ярим мустамлака халқларининг озодлик ҳаракати, халқларнинг тинчлик йўлидаги оммавий ҳаракати — буларнинг ҳаммаси тинчликнинг қудратли таянчларидир.

Коммунистик ва ишчи партиялари вакиллари кенгашининг қатнашчилари шуни алоҳида қайд қилиб ўтдиларки, икки системанинг тинч-тотув яшаши тўғрисидаги ленинча принцип, ҳозирги шароитда КПСС XX съезднинг қарорларида янада ривожлантирилган ана шу принцип социалистик мамлакатлар ташқи сиёсатининг мустаҳкам негизи ва тинчлик ҳамда халқлар ўртасидаги дўстликнинг мустаҳкам негизидир.

Империализмнинг «коммунизм кризиса учради» деган бемаъни даъволарига қарамай, коммунистик ҳаракат ўсиб ва мустаҳкамланиб бормоқда. Кенгаш қатнашчилари КПСС XX съезднинг тарихий қарорлари фақат КПСС ва СССРдаги коммунистик қурилиш учунгина улуғ аҳамиятга эга бўлиб қолмайди, шу билан бирга халқаро коммунистик ҳаракатда ҳам янги босқични бошлаб берди, марксизм-ленинизм асосида бу ҳаракатнинг янада ривожланишида ёрдам берди, деб таъкидладилар.

Областимиз меҳнаткашлари коммунистик ва ишчи партиялари вакилларининг Москвада бўлиб ўтган кенгашларида қабул қилинган Декларация ва Тинчлик Манифестини қизғин маъқулламоқдалар, инсониятнинг энг яхши орзу-истакларини амалга ошириш учун курашаётган қардош коммунистик ва ишчи партияларининг ишларига муваффақиятлар тиламоқдалар. Завод ва фабрикаларда, колхоз, совхоз ва МТСларда, илмий ва маданий муассасаларда бу тарихий ҳужжатлар кенг муҳокама қилинмоқда. Ишчилар, колхозчилар, зиёлилар ва барча меҳнаткашлар митинг ва йиғилишларда сўзга чиқиб, бу ҳужжатларни коммунистик ҳаракат учун қўлланма деб билмоқдалар.

Тошкент картография фабрикаси тайёрлов цехининг ишчиси Вера Колузаева бундай деди:

— Декларация ва Тинчлик Манифести тинчлик ғоялари билан суғорилгандир. Бу ҳужжатлар барча тинчликсевар халқларнинг орзуларини, истакларини ўзида мужассамлантиргандир. Тинчлик иши енгилмасдир! Тинчлик тантана қилади!

Бу миллионларнинг сўзидир, орзу-истаги ва интилишидир.

Партия ташкилотларининг вазифаси — Декларация ва Тинчлик Манифестини ҳарбир меҳнаткаш онгига чуқур етказишдан, пропаганда қилишдан иборат. Бунинг учун пропаганда ва сиёсий агитациянинг барча воситаларидан фойдаланмоқ керак.

Коммунизм қураётган совет халқи пролетар интернационализми байроғини янада баланд кўтариб Совет Иттифоқи Коммунистик партияси раҳбарлигида яқин келажак — коммунизм сари шаҳдам қадамлар билан олга бормоқда.

«В. И. Ленин социалистик давлатнинг иқтисодий роли тўғрисида» деган тўплам

Давлат сиёсий адабиёт нашриёти «В. И. Ленин социалистик давлатнинг иқтисодий роли тўғрисида» тўпламини нашр этди.

В. И. Ленининг социалистик давлатнинг иқтисодий роли масаласига бағишланган энг муҳим асарлари тўпламга киритилган. (ТАСС).

РСФСР МАОРИФ МИНИСТРЛИГИДА

РСФСР Маориф министрлиги ўқувчиларни уйга берилаётган топшириқлар билан ортиқча банд қилмаслик мақсадини кўзлаб, ҳамма синфларда душанба кунига ва байрамдан кейинги кунларга берилаётган топшириқларни бекор қилишга қарор қилди. Илгари бу қоида фақат 1—3 синфларнинг ўқувчиларигагина таллуқли эди. Министрлик душанба кунларида ва байрамдан кейинги кунларда дастлаб уйда тайёргарлик кўриш талаб қилинмайдиган машғулотларни ўтказиш мақсадга муваффақ эканлигини кўрсатди. Зарур бўлган тақдирда дарсларнинг жадвалини қайтадан тузиш тавсия қилинади. (ТАСС).

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети томонидан Кремлда Москва ҳарбий академияларини тамомлаб чиқувчиларни қабул қилиш маросими ўтказилди

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети 25 ноябрда Катта Кремль саройида Москва ҳарбий академияларини тамомлаб чиқувчиларни қабул қилиш маросими ўтказдилар.

Қабул маросимида Н. И. Беляев, Н. А. Булганин, К. Е. Ворошилов, А. И. Микоян, М. А. Суслов, Е. А. Фурцева, Н. С. Хрушчев, Н. М. Шверник, П. Н. Поспелов, А. Н. Косигин, М. Г. Первухин ўртоқлар, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. И. Кузьмин, СССР Мудофаа Министри Совет Иттифоқи Маршали Р. Я. Малиновский, Совет Маршаллари И. Х. Баграмян, К. С. Москаленко, К. А. Мерецков, В. Д. Соколовский, қўшинлар турлари маршаллари, совет Қуролли Кучлари генераллари, адмираллари ва офицерлари ҳозир бўлдилар.

СССР Мудофаа Министри Р. Я. Малиновский Москва ҳарбий академияларини тамомлаб чиқувчиларни ўқишнинг тугалланиши билан табриклади.

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Н. С. Хрушчев ҳарбий академияларни тамомлаб чиқувчиларга қарата табрик нутқи сўзлади.

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ нутқи

Қадрли ўртоқлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг топшириғига мувофиқ, сизларни ҳарбий академияларни муваффақиятли суратда тамомлаб чиқишингиз ва Қуролли Кучларимизнинг офицер корпуси составида хизматга тайинланишингиз билан қизғин табриклайман ва қутлайман.

Дўстларимизнинг бир группаси — халқ демократияси мамлакатлари армиялари офицерларининг бир группаси академияларни сизлар билан биргаликда тамомлаб чиққанлигини қайд қилиш қувончлидир. Бу ўртоқларни самимий табриклашга ва уларнинг Совет Иттифоқи Қуролли Кучлари билан жанговар ҳамкорликда ўз халқларининг тинч меҳнатини қўриқлаётган социалистик мамлакатлар армияларини мустаҳкамлашда муваффақиятлар қозонишларини исташга ижозат бергайсиз.

Академияларнинг профессорлари ва ўқитувчилари, команда ва сиёсий ходимлари юқори малакали ҳарбий кадрларни тайёрлашда катта хизмат қилдилар. Уларни ҳам табриклашга ва олижаноб меҳнатлари учун, офицерларни моҳирлик билан тарбиялаганликлари ва уларга таълим берганликлари учун ташаккур изҳор қилишга ижозат бергайсиз.

Ўртоқлар!

Совет халқи, бутун прогрессив инсоният яқинда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллигини зўр ифтихор ва шодлик билан нишонладилар. Бизнинг мамлакатимиз бу улуғ байрамни саноат, қишлоқ хўжалиги, фан, техника ва маданиятни ривожлантириш соҳасида жуда катта муваффақиятлар билан кутиб олди. Совет Иттифоқи социализмнинг тарихий ғалабасини бутун дунёга намойиш қилиб кўрсатди. Бизнинг Ватанимиз саноатни, бутун социалистик экономикани ривожлантиришда, фан ва техникани ривожлантиришда олға қараб катта қадам босди. Қитъалараро баллистик ракетанинг вужудга келтирилганлиги ва Ер сунъий йўлдошларининг муваффақиятли суратда учирилганлиги мамлакатимизда фан ва техниканинг тараққиёти қандай юксак даражага кўтарилганлигини яққол кўрсатиб беради. Ернинг ана шу сунъий йўлдошлари планетамиз теварагида ҳали ҳам учиб юрибдилар ва совет кишиларининг буюк зафари ва социализм мамлакатининг эришган муваффақиятларини бутун дунёга кўрсатиб турмоқда.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси мамлакатнинг мудофаа қобилиятини кучайтириш ва Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаларини шараф билан қўриқлаётган Қуролли Кучларни мустаҳкамлаш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқда. Совет давлати ўз Армияси ва Флотини ҳозирги замон ҳарбий техникаси ва қуролярогларининг ҳамма турлари билан, шу жумладан атом қуроли ҳамда ракета техникаси билан таъминламоқда.

Аммо, Қуролли Кучларимиздаги энг асосий нарса кишилардир. Кишилар бўлмаса, улар маҳорат кўрсатмаса, ҳар қандай техника ўлик бир нарса бўлиб қолади. Сизлар ҳарбий техниканинг кўп турларини эгалладингиз. Сизлар академияларда ўқишни муваффақиятли суратда тамомлаб, армиядаги амалий ишларингизда ҳарбий ишни яна ўрганишингиз, ҳарбий техниканинг тобора янги турларини яхши билиб олишингиз керак. Аммо, сизнинг вазифангиз ўз билимингизни такомиллаштирибгина қолмай, балки бу билимни кишиларга, завод ва фабрикалардан, колхоз ва совхозлардан армия сафига келаётган ажойиб совет жангчиларимизга ўргатишдан ҳам иборат.

Улуғ Ленин халқ ва армиянинг маънавий руҳи социалистик Ватанни душманлардан ҳимоя қилиш соҳасида ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир, деб таълим берган эди. Коммунистик партия совет жангчиларини марксизм-ленинизм идеяларидаги руҳида, совет халқига, коммунизм ишига чексиз садоқат руҳида доим тарбиялаб келмоқда, қўшинларнинг шахсий составини юксак маънавий-сиёсий ва жанговар хислатларга эга бўлиш руҳида тарбиялаб келмоқда. Ана шу ажойиб фазилатлар Улуғ Ватан уруши йилларида жангчиларнинг фронтдаги ва меҳнаткашларнинг мамлакат ичкарисидаги оммавий қаҳрамонлиги, сабот-матонати ва мардлигида айниқса яққол кўринди.

Бизнинг партиямиз мамлакатимиз Қуролли Кучларининг олтин фонди бўлган армия ва флотдаги офицер кадрларни тарбиялаш ва тайёрлашга ҳамиша алоҳида эътибор бериб келмоқда. Урушдан кейинги даврда Совет Иттифоқининг Қуролли Кучлари Коммунистик партия раҳбарлиги остида янада кўпроқ мустаҳкамландилар ва ўз тараққиётида янги босқичга кўтарилдилар.

Ўртоқлар!

Қуролли Кучларимиз куч ва қудратининг асосий манбаи шундан иборатки, Коммунистик партия уларнинг ташкилотчиси, раҳбари ва тарбиячисидир. Бизнинг партиямиз Совет Армияси ва Флоти тўғрисида, совет жангчиларини сиёсий жиҳатдан тарбиялаш ҳақида доим ғамхўрлик қилмоқда. Сизларга маълумки, шу йил октябрь ойининг охирида КПСС Марказий Комитетининг Пленуми бўлиб ўтди. Бу Пленум «Совет Армияси ва Флотида партиявий-сиёсий ишларни яхшилаш тўғрисида»ги масалани муҳокама қилди.

Бу масаланинг Пленумда кўрилишига шу ҳол сабаб бўлган эдики, кейинги вақтларда Марказий Комитет собиқ мудофаа министри Ўртоқ Жуковнинг Қуролли Кучларга раҳбарлик қилишдаги ленинча принципларни бузганлигини, партия ташкилотлари, сиёсий органлар ва Ҳарбий Кенгашларнинг ишларни йиғиштириб қўйишдан, армияни партиядан ажратиб қўйишдан иборат хавфли йўлни ўтказиб келганлигини ва бу ҳол Ватанимиз мудофааси учун, социализм ва коммунизм қурилиши учун ғоят зарарли эканлигини аниқлади.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарори Қуролли Кучларга раҳбарлик қилишда партиянинг ролини янада оширишга қаратилган. Бу ҳужжатда КПСС XX съезднинг қарорлари асосида армия ва флотда партиявий-сиёсий ишларни тубдан яхшилашнинг кенг программаси чизиб берилган. Бутун партиямиз ва халқимиз КПСС Марказий Комитети октябрь Пленумининг қарорини тамомила қўллаб-қувватлади ва мақуллади. Армия ва флотнинг шахсий состави бу қарорни яқдиллик билан мақуллади. Бу эса, собиқ мудофаа министрининг ярамас йўлини тузатиш юзасидан Марказий Комитет томонидан қўрилган тадбирлар тўғри ва ўз вақтида амалга оширилганлигини ёркин исбот этди.

Армия ва флотнинг жанговарлик қобилиятини янада ошириш — барча коммунистларнинг, барча командирлар ва сиёсий ходимларнинг умумий вазифасидир. Командирлар ва сиёсий ходимлар жангчиларни тарбиялаш ва уларга таълим беришни яхшилаш, қўшинларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш соҳасида ҳамжиҳат бўлиб биргаликда ишлаганлари тақдирдагина, армия ва флотда яккабошчилик янада мустаҳкамланиб, партиявий-сиёсий ишлар яхши йўлга қўйилган тақдирдагина, давлат нуқтаи назаридан муҳим бўлган ана шу вазифани бажариш мумкин.

Тинчликни ҳимоя қилиш учун кураш — ҳозирги вақтда бутун дунёда энг муҳим вазифадир. Социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари вакилларининг яқинда Москвада бўлиб ўтган кенгашининг Декларациясида таъкидлаб ўтилганидек, «уруш ёки тинч-тотув яшаш масаласи жаҳон сиёсатининг туб проблемаси бўлиб қолди. Барча мамлакатларнинг халқлари империализм томонидан вужудга келтирилаётган уруш хавфига қарши ғоят хушёр бўлишлари лозим».

АҚШдаги агрессив доиралар тинчликка путур етказиш сиёсатларини социалистик лагердаги мамлакатларнинг изчиллик билан амалга ошираётган тинчлик сиёсатига қарама-қарши қўймоқдалар, ана шу агрессив доиралар янги уруш хавфини вужудга келтирмоқдалар. Шуни эсда тутиш керакки, империализм сақланиб қолар экан, агрессив урушлар учун ҳам замин бўла беради.

Халқаро миқёсдаги мураккаб вазият бизга бундан буён ҳам мамлакатимизнинг мудофаасини ҳозирги замон ҳарбий техникаси ва фани даражасида тутиш, социалистик давлатимизнинг хавфсизлигини таъминлаш вазифасини юклайди.

Бундай шароитда фан ва техниканинг ривожланиши билан ҳарбий ишда катта ўзгаришлар рўй бераётганлигини, ҳарбий-техника ва қурол-яроғларнинг янги турлари вужудга келтирилаётганлигини, улардан жангда фойдаланиш усуллари ўзгараётганлигини унутишга ҳақимиз йўқ.

Шу сабабдан, партия ҳарбий кадрлардан эришилган муваффақиятлар билан хотиржам бўлиб қолмай, ҳарбий фанни бутун чоралар билан олға бостиришни, ўзларининг ҳарбий билимларини доим такомиллаштиришни, янги ҳарбий техникани қунт билан эгаллашни, қўшинларнинг ҳушёрлиги ва жанговар тайёргарлигини тобора оширишни талаб этади.

Қадрли ўртоқлар!

Олий ҳарбий ўқув юртларини тамомлаб чиқувчиларнинг Коммунистик партия ва Совет ҳукумати раҳбарлари билан учрашувлари улуғ Ленининг шахсий иштироки билан бошланган эди. Бу учрашувлар яхши традициядир. Олий ҳарбий ўқув юртларимиз Қуролли Кучларимизга ўз ишини яхши биладиган билимдон командирларни, ҳарбий инженерларни, сиёсий ходимларни ва бошқа ҳарбий мутахассисларни тайёрлаб бермоқдалар. Биз сизларни Коммунистик партияга, совет халқига содиқ бўлган ажойиб отряд-ларнинг бири деб, ёшлик ғайрати ва ижодий кучлар билан тўлиб тошган кишилар деб биламиз. Биз сизларнинг совет офицерларининг шонли традицияларини давом эттиришингизга ва кўпайтириб боришингизга аминмиз.

Армиямизнинг кучи шундаки, офицерлар, сержантлар ва солдатлар совет халқининг содиқ фарзандларидир. Ленинг мақсадлари, вазифалари биттадир. Сиз, офицер ўртоқлар ўз қарамоғингиздаги кишилар тўғрисида доим оталарча ғамхўрлик қилишингиз, улар билан маҳкам алоқада бўлишингиз, уларнинг инсоний фазилатларини ҳурмат қилишингиз, уларнинг ғапларига қулоқ сола билишингиз, уларнинг эҳтиёжлари ва қайфиятларини билишингиз, уларга ўз вақтида зарур ёрдам кўрсата олишингиз керак.

Партиявий-сиёсий ишларни ва бутун тарбиявий ишларни шундай уюштирмоқ керакки, ҳарбий хизматчи ўз бурчини қўрққанидан эмас, балки онгли суратда бажарсин. Совет Армияси, аввало, ўз жангчилари ва командирларининг юксак ғоявийлиги ва онглилиги билан қучлидир.

Қадрли ўртоқлар, Сизларни чиғ кўнгилдан яна бир марта қутлашга ва Сизларга сиҳат-саломатлик ҳамда социалистик давлатнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлаш соҳасидаги ишларингизда муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

Яшасин бизнинг шонли Қуролли Кучларимиз ва уларнинг офицер кадрлари!

Яшасин СССР Қуролли Кучларининг ташкилотчиси ва раҳбари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

* * *

Қабул маросимида ҳозир бўлган кишилар ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг нутқини зўр эътибор билан тингладилар ва бу нутқ кўп марта гулдурос қарсаклар билан бўлиниб турди.

Қабул маросимида ҳарбий академияларни тамомлаб чиқувчилар сўзладилар.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов Москва ҳарбий академияларини тамомлаб чиқувчиларни самимий табриклади.

Қабул маросими вақтида катта концерт қўйиб берилди. (ТАСС).

ТИНЧЛИК, ДЕМОКРАТИЯ ВА СОЦИАЛИЗМ УЧУН КУРАШНИНГ БУЮК ПРОГРАММАСИ

Суратда: Тошкентдаги трамвай-троллейбус трести вагон-ремонт заводининг парма ловчиси Ўртоқ Ф. Олимов социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партияларининг Декларациясини ишчиларга ўқиб бермоқда.

Р. Шамситдинов фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

Социалистик лагерь мамлакатларининг кучини ва бирлигини мустаҳкамлаймиз

«Ташкенткабель» заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари вакилларининг Москвада бўлиб ўтган кенгаши Декларациясини зўр мамнуният билан кутиб олдилар. Корхонанинг цехларида бу тарихий ҳужжат ўқиб эшитдирилди ва суҳбатлар ўтказилди.

— Декларация бизнинг ҳаммамизни қувонтиради, — деди суҳбат вақтида огир шланг кабеллари цехининг ишчиси Наби Ғаниев. — Бу ҳужжатда инсониятнинг энг муҳим вазифаси тўғрисида—тинчлик учун курашни кучайтириш, халқлар ўртасида дўстлик ва бирликни мустаҳкамлаш зарурлиги тўғрисида гапирилади. Биз, совет кишилари, бундан буён ҳам бошқа мамлакатлар меҳнаткашлари билан алоқаларимизни кенгайтира берамиз. Ҳозир бизнинг заводимиз Хитой Халқ Республикаси, Албания, Корея Халқ-Демократик Республикаси, Вьетнам Демократик Республикаси, Гуминия, Мўғулистон Халқ Республикаси учун маҳсулот тайёрламоқда. Бу мамлакатларнинг заказларини намунали бажариш билан биз уларнинг экономикаси муваффақиятли ривожланишига ёрдам кўрсатамиз ҳамда тинчлик, демократия ва социализм лагерини янада мустаҳкамлаш ишига ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшамиз.

Шу цехда ишловчи Мария Кольчугина бундай деди:

— Пролетар интернационализминнинг ленинча принциплари руҳида тарбияланган совет кишилари социалистик мамлакатлардаги халқларнинг қардошларча ҳамкорлигини кундан-кунга мустаҳкамлай боришни ўзларининг фахрий бурчи деб биладилар. Яқинда бизда хитойлик дўстлардан бир группаси ишлаб чиқариш практикасини ўтди. Биз бажонидил уларга ўз тажрибамизни ўргатдик, янги техникани ўзлаштиришда ёрдамлашдик. Улар ўз ватанларига қайтиб бориб янги Шаньян кабель заводида бу ерда олган билимларини мохирона татбиқ қилганликлари билан фахрланамиз.

Биз биламизки, — деди сўзида давом этиб Мария Кольчугина, — социалистик мамлакатларнинг муваффақиятлари империалистларни ғазабга келтиради. Улар, империалистлар, бизнинг тинч меҳнатимизга ҳалақит бермоқ учун янги уруш оловини ёқмоқчи бўлаётирлар. Бироқ уларнинг бу қора ниятлари амалга ошмайди. Социалистик давлатларнинг ҳамда барча мамлакатлардаги коммунистик ва ишчи партияларнинг бирлиги ва қардошларча ҳамкорлиги, халқаро ишчилар ҳаракати, миллий-озодлик ҳаракати бунга йўл қўймайди. (ЎзТАГ).

Депо ишчиларининг сўзи

Социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари вакиллари Кенгашининг Декларацияси ва Тинчлик манифестини Тошкент тепловоз депоси машинистлари ва ремонтчилари катта қизиқиш билан ўқиб чиқмоқдалар.

Социалистик лагерь мамлакатларининг социализм қуриш ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш йўлида эришаётган муваффақиятлари барча совет кишилари қатори Тошкент тепловозчиларини ҳам қувонтирмоқда. Бригада ва цехларда Декларацияни ўқишга бағишлаб ўтказилаётган йиғилишларда, суҳбатларда машинистлар, машинист ёрдамчилари, токарлар, слесарлар ва инженер-техник ходимлар тарихий аҳамиятга эга бўлган бу сиёсий ҳужжатни бир овоздан маъқулламоқдалар.

— Социализм кучларининг ошиши биз, совет кишиларини чексиз қувонтиради, — дейди старший машинист Деҳқон Султонов. — Буюк хитой халқи тинч қурилиш йўлида катта ғалабаларни қўлга киритмоқда. Ҳозирги вақтда бир группа хитойлик темир йўлчилар депомизда иш ўрганмоқдалар. Дўстона суҳбатларда улар бизга ўз ватанларида халқ хўжалигини индустрлаштириш, қишлоқ хўжалигини юксалтириш, фан ва маданиятни тараққий эттириш соҳасида эришилаётган муваффақиятлар тўғрисида гурур билан сўзлайдилар. Улар: халқлар ўртасидаги дўстликнинг янада мустаҳкамланиши 600 миллионлик хитой халқининг энг асосий талабидир, дейдилар. Дунёдаги барча эрксевар меҳнаткашлар ҳам шуни истайдилар. Декларацияда ва Тинчлик манифестида худди мана шу истак алоҳида таъкидланган.

Ўтган йили турист бўлиб «Победа» теплоходида Европа бўйлаб саёҳат қилган старший машинист Бегмат Эрматов йиғилишда сўзга чиқиб, бундай деди:

— Социализм йўлига мустаҳкам ўтиб олган халқ демократияси мамлакатларининг эришган ютуқларини мен ўз кўзим билан кўрдим. Биз туристлар, Болгария ва Руминия меҳнаткашларининг кўтаринки руҳ билан меҳнат қилаётганларидан илҳомландик.

Тепловоз депоси ходимлари Кенгаш Декларациясига жавобан ўз зиммаларига янги, оширилган мажбурият олдилар. Улар йил охиригача белгиланганидан ташқари 1000 тонна халқ хўжалиги юкини ташиб бериш ва транспорт хизматини янада яхшилашга аҳд қилдилар.

Н. СЕРГЕЕВ.

Тинчлик иши тантана қилади

Тошкент картография фабрикасининг ишчи, хизматчи ва инженер-техник ходимлари социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари вакиллари Кенгашининг Декларациясини катта қониқиш билан кутиб олдилар.

Цехларда сменалар тамом бўлиши билан қизғин суҳбатлар бошланиб, агитаторлар Декларацияни ўқиб бермоқдалар.

Корхонанинг тайёрлов цехининг ишчиси Вера Колузаева бу ҳужжатларнинг тинчликни мустаҳкамлаш ишига катта хизмат қилиши ҳақида гапирди.

— Декларация ва Тинчлик Манифести тинчлик ғоялари билан суғорилгандир. Бу ҳужжатлар барча тинчликсевар халқларнинг орзуларини, истакларини ўзида мужассамлантиргандир. Тинчлик иши енгилмасдир! Тинчлик тантана қилади!

Фабрика цехларида ўтказилаётган суҳбатларда ишчилар мамлакатимиз қудратини янада ошириш, Декларацияни маъқуллаб тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган фикрларни баён қилмоқдалар.

ПАХТАКОРЛАРНИНГ БУТУНИТТИФОҚ ҚУРУЛТОЙИДА ҚАТНАШИШ ҲУҚУҚИНИ ОЛИШ УЧУН АСТОЙДИЛ КУРАШАЙЛИК

ҚОЛГАН ҲОСИЛНИ ТЕЗРОҚ ТЕРИБ ОЛАЙЛИК!

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

Ҳосилни териб олишни тугаллаш ва пахта тайёрлаш планини бажариш тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети область партия комитетларининг биринчи секретарлари билан биргаликда пахта териш ва тайёрлаш соҳасидаги аҳволни муҳокама қилиб чиқдилар ва даладаги мавжуд ҳосил республика пахта тайёрлаш давлат планининг сўзсиз бажарилишини таъминлайди, деб ҳисоблайдилар. Колхоз ва совхозлар давлатга яна 275 минг тонна пахта топширишлари керак.

Республика партия, совет, қишлоқ хўжалик органларининг вазифаси — пахта териш ва тайёрлаш ишларини ҳозирги мураккаб шароитларда моҳирлик билан ташкил қилишдан ҳамда колхозчилар, МТС ва совхоз ишчиларининг, Ўзбекистондаги барча меҳнаткашларнинг меҳнат ғайратини ҳосилни териб олишни тугаллашга ва республиканинг пахта тайёрлаш планини кечи билан 15 декабрда бажаришга йўналтиришдан иборатдир.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети **қарор қиладилар:**

1. Область партия комитетлари биринчи секретарларининг 15 декабргача ҳар куни Тошкент области бўйича 3500 тонна, Фарғона области бўйича 1800 тонна, Наманган области бўйича 1600 тонна, Андижон области бўйича 1600 тонна, Самарқанд области бўйича 3000 тонна, Бухоро области бўйича 800 тонна, Қашқадарё области бўйича 500 тонна, Сурхондарё области бўйича 1000 тонна, Хоразм области бўйича 1200 тонна ва Қорақалпоғистон АССР бўйича 1000 тонна пахта топшириш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

Шунга биноан, область ва район партия комитетлари, область ва район ижроия комитетлари зиммасига, ҳар куни пахта топшириш юзасидан район, колхоз, совхоз, далачилик бригадаларига топшириқ бериш ҳамда кенг тушунтириш ишлари олиб бориш йўли билан ҳар бир колхозчининг, ҳар бир совхоз ишчисининг қундалик пахта териш юзасидан социалистик мажбурият қабул қилишига ва бу мажбуриятни муваффақиятли бажаришига эришиш мажбурияти юклансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳисоблайдиларки, ҳозирги рўй берган огир шароитда коммунистлар ва комсомоллар ишнинг муваффақиятли ҳал этилишини таъминлайдидар, улар пахта теришга чиқишлари ва шахсан намуна кўрсатиб ишлаш йўли билан ҳосилни сақлаб қолиш, пахтанинг охирги кўсагигача исроф қилмасдан териб олиш учун курашга колхозчиларни, раҳбарлари район партия комитетларининг бюросида тасдиқлансин;

б) теримчилар группаси биринчи навбатда ҳосил энг кўп қолган участкаларга юборилсин, ишчи кучларидан моҳирлик билан фойдаланилсин, қолган ҳосилни тез териб олишга ишчи кучи етишмаётган бошқа колхоз, шунингдек бошқа район ва совхозларга колхозчилар юборилсин;

в) теримчиларни иссиқ кийинтириш ва яхши пойафзал билан таъминлаш учун барча мавжуд ресурс ва имкониятлардан фойдаланилсин, бевосита даланинг ўзида сифатли иссиқ овқат ташкил қилинсин.

Колхоз правлениеларига теримчиларни ҳосилни териб олиш тугаллангунча бепул иссиқ овқат билан таъминлаш тавсия этилсин;

г) теримчиларнинг ҳосилни тезроқ териб олишдан моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида пахтакор колхоз правлениеларига 1957 йил 23 ноябрдан бошлаб колхозчиларга ва пахта теримига жалб этилган аҳолига асосий ҳақдан ташқари ҳар бир килограмм терилган пахта учун ёки ярим очилган ва очилмаган кўракдан териб олинган ҳар бир килограмм пахта учун 50 тийиндан ҳамда ярим очилган ва очилмаган кўракларнинг ҳар бир килограмми учун 50 тийингача пул тўлаш тавсия қилинсин. Бунга меҳнат куни бўйича колхозчиларга бериладиган пул киритилмасин.

1957 йил 23 ноябрдан бошлаб МТС машинистлари ва машинада кўсак чувишда ишлаётган колхозчиларга ҳақ тўлаш қуйидагича белгилансин: техника шартларига риоя қилинган ва пахта нобуд қилинмаган ҳолда белгиланган норма бажарилса, кўрак чувиш машинасининг машинистига белгиланган меҳнат ҳақидан ташқари 20 сўм пул ва кўрак чувиш машиналарида ишлайдиган ёрдамчиларга 10 сўмдан пул берилсин.

Тунги сменада ишлаганлик учун кўшимча ҳақ миқдори 10-20 процент оширилсин.

Участка бўйича пахта тозалаш техника шартларига риоя қилинган ҳолда белгиланган норма бажарилса кўрак чувиш машиналарига хизмат қиладиган МТС участка механикларига кўракни тозалаб олинган ҳар бир тонна пахта учун асосий иш ҳақидан ташқари 50 тийиндан қўшимча ҳақ тўлансин.

Кўрак тозалашда ишлайдиган участка механиклари, МТС машинистлари ва колхозчиларга қўшимча иш ҳақи колхоз ҳисобидан берилсин.

Колхоз правлениеларига 1957 йил 23 ноябрдан бошлаб, пахта сушилкаларида ишлайдиган колхозчиларга ҳар бир тонна қуритилган ва тозаланган пахта учун пахтанинг ҳўллигига ва сушилканинг қувватига қараб асосий ҳақдан ташқари 20 сўмгача пул берилсин.

1957 йил 23 ноябрдан бошлаб, совхоз ишчиларига ва пахта теримига жалб қилинган аҳолига ҳар бир килограмм терилган пахта учун 1 сўмгача ва кўсакни қўлда чувиб олинган ҳар бир килограмм пахта учун 50 тийиндан ҳақ тўлансин. Ярим очилган ва очилмаган кўсакни териш учун тўланган 50 тийин бу ҳисобга кирмайди.

1957 йил 23 ноябрдан бошлаб, кўрак чувиш машиналарида кўсак ва кўрак тозалашга қатнашган машинистларга, ва совхоз ишчиларига ҳақ тўлаш, уларнинг планни бажарганликларига, техника шартларига риоя қилганликлари ва кўрак тозалаш вақтида исрофгарчиликка йўл қўймаганликларига қараб қуйидаги миқдорда белгилансин: кўрак чувиш машинасининг машинистига белгиланган иш ҳақидан ташқари 20 сўм, кўрак чувиш машинасида ишлайдиган ёрдамчи ишчиларга 10 сўмдан, тунги сменада ишлаганлиги учун қўшимча ҳақ 10-20 процент оширилсин.

Сушилкада ишлайдиган совхоз ходимларига белгиланган нормани бажарганлари ва қуритилган пахтанинг сифатли бўлишини таъминлаганларида икки баравар миқдорда иш ҳақи тўлансин.

Колхоз ва совхоз раҳбарлари кўрак ва пахта терганлар, уни тозалаб қуритган кишиларнинг ҳақини ҳар куни тўлаб-туришлари лозим.

Давлат банки Ўзбекистон конторасига шу мақсадлар учун колхоз ва совхозларни пул билан таъминлаб туриш топширилсин.

Пахта териш юзасидан беш кунлик топшириқларни бажарганлик ва ошириб бажарганлик учун энг яхши теримчиларни қимматбаҳо буюмлар билан мукофотлаш кенг йўлга қўйилсин;

е) кўрак териш машиналари ишга туширилсин, кўрак чувиш машиналари ва сушилкаларнинг икки сменада тўхтовсиз ишлаши таъминлансин, токи терилган бутун кўрак ҳар куни чувиб бўлинсин, терилган пахта эса қуритилиб, ўша куни давлатга топширилсин;

ж) шу кунларда ҳосилни териб олишни тезроқ тугаллашда колхоз ва совхозларга қўшимча ёрдам кўрсатиш истагини билдирган кўпгина саноат корхоналари ва ташкилотларининг ташаббуси маъқуллансин.

Шаҳар ва район партия комитетларига корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари билан биргаликда шаҳарлар ва район марказларининг пахтани тезроқ териб олишга ёрдам кўрсатиш истагини билдирган ишчи ва хизматчиларини иссиқ кийинтириш ва яхши пойафзал билан таъминлаш топширилсин;

з) пахта нобудгарчилигига қарши кураш ва айниқса гўзани чорва моллар пайхон қилишига қарши кураш кескин кучайтирилсин. Бутун ҳосилнинг тўла сақлаб қолиниши ҳамда бир грамм ҳам пахтанинг нобуд қилинишига йўл қўймасликнинг катта давлат ва халқ хўжалик аҳамиятига эга эканлиги яна бир марта кенг тарзда тушунтирилсин.

Ҳосилни қўриқлаш юзасидан комсомол постлари ташкил қилинсин, бунинг учун қоровуллар айниқса кечаси учун зарур миқдорда пойлоқчилар ажратилсин.

Прокуратура органларига пахтани қасддан пайхон ва нобуд қилувчиларга қарши курашни кучайтириш топширилсин;

и) область партия комитетлари ва область ижроия комитетларининг кўчма Қизил байроқлари пахта теримида намуна кўрсатган районларга ҳар беш кунда бериб турилиши зарур деб ҳисоблансин.

Шу йил 15 декабргача бўлган давр учун область ижроия комитетларига пахта теримида қатнашаётган энг яхши колхозчилар ва совхоз ишчиларини мукофотлаш учун пул ажратиб берилсин; бу пул ҳар бир тонна пахта учун 1 сўм ҳисобидан район ташкилотлари ихтиёрига берилсин.

4. Халқ Хўжалиги кенгашлари, область партия, комитетлари ва область ижроия комитетлари зиммасига барча қуритиш—тозалаш цехларининг узлуксиз, юқори унумли ишлашларини таъминлаш юзасидан қўшимча чоралар кўриш мажбурияти юклансин, токи қабул қилинган ҳамма нам пахтани яқин кунлар ичида қуритилсин ва тозалансин, ҳамда бундан кейин тайёрлаш пунктларига келадиган пахта ўз вақтида қуритиб тозаланадиган бўлсин.

Халқ хўжалиги кенгашларига пахтани ташиш вақтида катта нобудгарчиликнинг олдини олиш мақсадида эски қоп-қаноларни олмаштириш топширилсин.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қаттиқ ишонч билдирадиларки, колхозчилар, МТС ва совхозларнинг ишчилари, Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашлари социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари вакиллари кенгашининг Декларациясига ва тинчлик Манифестига жавобан юксак даражада уюшқоқлик кўрсатадилар, хосилнинг сўнгги кўратигача сира нобуд қилмай териб олиш учун кучгайратларини аямайдилар ва кечи билан 15 декабргача пахта тайёрлаш давлат планини сўзсиз бажарадилар, бу билан бутун дунёда тинчликни сақлаш ишига муносиб ҳисса қўшадилар.

Область совхозларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1957 йил 26 ноябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Совхозлар	Бир кунлик ўсиш	Мавсум бошидан бери	Совхозлар	Бир кунлик ўсиш	Мавсум бошидан бери	Совхозлар	Бир кунлик ўсиш	Мавсум бошидан бери
6-«КУКОРОЛ»	—	111,81	«Малик»	0,19	74,66	«Дружба»	0,15	59,75
3-«Оҳангарон»	0,34	87,67	«Оққўрғон»	0,14	73,68	«ЎзССР беш йиллиги»	0,23	59,65
Киров номли	0,26	86,57	«Чаноқ»	—	71,45	«Мирзачўл»	0,04	59,06
1-«Далварзин»	0,19	83,86	«Социализм»	0,03	68,94	1-«Фарҳод»	0,04	53,55
«Пискент»	0,14	83,28	«Гулистон»	0,36	63,59	Булганин номли	0,12	51,54
4-«Вревский»	0,21	81,04	1-«Боёвут»	0,12	62,16	Бушуев номли	0,17	41,03
2-«Оҳангарон»	0,40	79,80	3-«Боёвут»	0,40	61,95			
2-«Далварзин»	0,22	77,98	1-«Оҳангарон»	0,33	60,33			

М. ШАЙХЗОДА.

БУ ДАМ—ҒАЙРАТ ДАМИДИР!

(ТЕРИМЧИГА ХАТ)

Эй муҳтарам теримчи!
Шу тилагим биринчи:
— Ҳормасин у баракатли
қўлларингки,
Терар экан пахтани,
Бажараркан ваъдани —
Ошираркан нормаларни
Янгидан-янги —
Дилинг ейди эл ғамин,
Бармоқларинг ёзаётир
Планларнинг рақамин!..
Салом сенга ва раҳмат!
Ҳимматинг улуғ ҳиммат!
Йўлларни ошиб келдик,
Югурдик,
шошиб келдик,
Кўприклардан ўтдик тез,
Гоҳи жардан ҳатладик,
Осмон ҳўмрайганда ҳам
Ишимизни бопладик...
Аммо энди маррамизга
Етаётган маҳалда,
Шу кунларда,
шу галда —
Сенинг сўзинг биринчи,
Эй қадрдон теримчи!
Сендан бунга мунтазир
Виждон,
замон ва замин.
Далада ҳар босиб юрган қадаминг,
Ғалаба қадамидир,
Бу дам — ғайрат дамидир.
Учиб кетган ҳар қанотли сония
Куйлар:
— Чаққон бўл!
— дея.
Чопиб ўтган ҳар меҳнаткаш
дақиқа
Дер:
— Ишдадир ҳақиқат!
Хайрлашиб йироқлашган
ҳар кундуз
Дер:
— Кўсакни кўпроқ уз!
Ҳаммаси дер:
— Азиз дўстлар қил ҳиммат!
Чунки, ҳар дам ғанимат!
Биз йил бўйи меҳнат қилдик,
Тер тўкдик,
Олтин боғлар асрадикки,
Ҳасанот!..
Қайсар офат шохларини биз
бундик,
Олтин мева йиғмоқ эди
Чин мурод.
Қуёш бизга бағишлади ҳарорат,
Бир кун эмас,
Ун кун эмас,
Уч юз кундан иборат.
Ернинг ташна сийнасига
Каналлар сув келтирди,
Машиналар шаҳарларнинг
Фазилатин билдирди,
Эл ишлади муттасил,
Яратдик улуғ ҳосил...
Бу меҳнатлар,
бу заҳматлар,
ҳимматлар
Қорлар қоплаб
Зимистонга кетгайми?
Бойлигимиз инжулари-
Оқ жавҳар
Бекас қолиб
Уни қорлар ютгайми?!
Бу саволга
Совет эли:
«Йўқ!» дейди,
Шоирларнинг шеъри — тили
«Йўқ!» дейди,
Фабрикалар жони-дили
«Йўқ!» дейди,
Шаҳарларнинг қизи-ўғли
«Йўқ!» дейди,
Теримчининг пухта қўли
«Йўқ!» дейди.
Бу — Ватаннинг буйруғи,
Ҳимматларнинг улуғи,
Шоирларнинг ўтинчи,
Эй муҳтарам теримчи!

ПАХТАКОРЛАР СЪЕЗДИГА МУНОСИБ СОВҒАМИЗ

Бригадамиз аъзолари пахтачиликни йилдан-йилга ривожлантириб яхши натижаларга эришаётирлар. Ўтган йил ҳам фидокорона меҳнат қилиб 42 гектар майдоннинг ҳар гектаридан давлатга 45 центнердан пахта топширдик, социалистик мажбурият ортиги билан бажарилди. Партия ва ҳукуматимиз меҳнатимизга юксак баҳо берди, орден ва медаллар билан мукофотландик.

Олий мукофот меҳнатда янги ғалабаларга руҳлантирди. Бу йил пахта майдонини 29 гектар кенгайтириб, 71 гектар ерга чигит экдик. Кўкламнинг ноқулай келишига қарамай чигит барвақт экилди ва текис ундириб олинди. Фурсатни қўлдан бой бермай гўзани агротехника талабларига мувофиқ сифатли парвариш қилдик. Натижада гўза эрта ҳосилга кирди. Мажбуриятни қоплайдиган даражада юқори ҳосил етиштирилди.

Йиғим-терим ишлари ҳам вазиятга яраша ташкил этилди. Пахта пешма-пеш терилиб давлатга топширилди. Бригадамиз ҳозиргача 219 тонна ёки гектаридан 31,5 центнердан пахта топшириб йиллик планни муддатидан илгари бажарди.

Бизнинг олдимизда етиштирилган ҳосилни нобуд қилмай тезроқ йиғиб-териб олишдек муҳим вазифа турибди. Бригада аъзолари буни яхши англаб, уюшқоқлик билан ишламоқдалар ва қолган ҳосилни йиғиб-териб олмоқдалар.

Колхозимизнинг бошқа бригада аъзолари ҳам ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олиш учун курашаётирлар. Колхоз ҳозиргача давлатга гектаридан 29 центнердан пахта топширди ва давлатдан устама мукофот олаётир. Колхоз маррага яқиндашиб қолди. Биз социалистик мажбуриятни шараф билан бажариб, пахтакорларнинг Бутуниттифоқ съездига муносиб совға тайёрлаймиз ва съездга қатнашиш ҳуқуқини олиш учун курашамиз. Бригадамиз аъзолари ҳам ўз имкониятларини ҳисобга олиб гектаридан яна 10 центнердан пахта беришга қарор қилдилар. Қўшимча мажбурият ҳам сўзсиз бажарилади.

У. ҲАМРОБЕКОВ,

Октябрь районидаги Калинин номли колхознинг бригада бошлиғи.

„Оқ олтин"ни териб олиш учун яна колхозга борамиз

Тошкент экскаватор заводи комсомол-ёшларининг ватанпарварлик ташаббуси



Завод бошқармаси идораси олдида катта қоғозга қизил ва кўк ҳарфлар билан ёзиб қўйилган эълонни бир группа ёш ишчилар ўраб олишган. Ҳаво совуқ, аччиқ изғирин эсиб турибди. Лекин ватанпарвар комсомол ва ёшларнинг юрагида қайноқ шижоат мавж урмоқда. Комсомол комитетининг секретари Мая Самсонова шу ерда тўпланганларни катта залга таклиф этади. Хаёл ўтмасдан завод клуби ишчилар билан лиқ тўлди.

— Қадрли дўстлар, бизнинг меҳнатсевар, жанговар ёшларимиз, — дея мурожаат қилади Тошкент экскаватор заводи партия ташкилотининг секретари Михаил Тимофеевич Иванов. — Республикамиз пахтакорлари бу йил ҳар қачонгидан ҳам мўл ҳосил тўпладилар. Улар ўз планларини бажарай деб қолганларида об-ҳаво ўзгариб қолди. Лекин азамат колхозчиларимиз кечани кеча, кундузни кундуз демай, қолган ҳосилнинг сўнгги граммигача йиғиб олиш учун курашмоқдалар.

«Оқ олтин»ни қор босиб қолди. 20 ноябргача коллективимиздан бир неча юз киши пахта теримида қатнашди. Улар шу вақтга қадар юз тоннадан кўпроқ пахта териб бердилар. Кеча партия ва комсомол ташкилотига илғор ёшлардан бир группаси келиб, яна пахта даласига отланганликларини изҳор қилдилар. Биз уларга аввало раҳмат айтамиз. Чунки, улар республикамиз меҳнаткашларининг ҳис-туйғусини ифода этдилар. Теримга чиқадиганлар ана шу илғорларга эргашсинлар!

Сўнгра 1-механика цехининг слесари, комсомол аъзоси Эркин Алимов сўз олади. У цех комсомол ташкилотидан 12 кишининг Октябрь районидаги биринчи колхозда бўлиб, 16 тонна пахта териб берганлигини, эндиликда эса область комсомол комитетининг мурожаатига жавобан Боёвут районига бориб, кўсак теришда катнашажакларини айтади.

Завод маъмурияти кўсак теримига чиқиш истагини билдирган ишчиларни қўллаб-қувватламоқда ва уларга зарур шарт-шароитлар яратиб бермоқда. Ҳар бир ишчи фуфайка, этик, пахталик шим, қўлқоп ва бошқа нарсалар билан таъминланган.

Орадан бир соат ўтгач, заводнинг кенг ҳовлисига қизил автобус кириб келади. Ишчи-пахтакорлар автобусдан жой оладилар. Автобус катта дарвозадан асфальт йўлга чиқаркан, жанговар кишиларнинг жанговар қўшиқлари баралла янграйди.

А. АБДУАЗИМОВ.

Область районларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1957 йил 26 ноябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Бир кунлик ўсиш	Мавсум бошидан бери	Районлар	Бир кунлик ўсиш	Мавсум бошидан бери
БУСТОНЛИҚ	0,16	106,94	Верхне-волинск	0,17	79,57
Оржоникидзе	0,44	97,37	Мирзачўл	0,11	79,08
Урта Чирчиқ	0,19	89,22	Бўка	0,07	77,08
Юқори Чирчиқ	0,20	88,54	Оҳангарон	0,36	76,64
Пискент	0,12	87,29	Октябрь	0,21	75,43
Уртасарой	0,06	84,21	Оқиқўрғон	0,10	73,76
Сирдарё	0,17	82,69	Калинин	0,52	72,94
Янгийўл	0,16	82,18	Чиноз	0,12	71,76
Бекобод	0,18	81,71	Боёвут	0,16	64,79
Гулистон	0,14	80,07	Қуйи Чирчиқ	0,23	60,11

Халқ бойлигининг бир граммини ҳам нобуд қилмай йиғиб-териб, давлатга топширамиз

Биз бу йил 1700 гектар ерга чигит экдик. Пахтачиликни ривожлантиришдек умумхалқ курашига қўшилган колхозчиларимиз Ватанга ўтган йилдагига нисбатан гектаридан 4 центнердан кўп, яъни 32 центнердан пахта топшириш мажбуриятини олган эдилар. Биз кўкламгача об-ҳавонинг ноқулай келиши туфайли дуч келган қийинчиликларни енгиб, мажбуриятимизнинг бажарилишини қоплайдиган ҳосил етиштирдик.

Мўл ҳосил етиштиришда фидокорона меҳнат қилган колхозчилар ҳосилни йиғиб-териб олишда ҳам эўр уюшқоқлик билан ғайратларига-ғайрат қўшиб ишладилар. Кўпминг килограммчи теримчилар мусобақаси кенг авж олдирилди. Бу ҳаракатга қўшилган 280 теримчидан 154 киши мавсумда 5 тоннадан ошириб пахта терди. 43 азамат хирмонга 10 тоннадан «оқ олтин» териб топширди. Раҳима Мирсидиқова, Мақбул Мавлудова, Ўктамхон Комилова, Турсун Қўлдошева ўртоқларнинг хизматини алоҳида тақдирлаш керак. Буларнинг ҳар бири мавсумда 12-13 тоннадан пахта териб, фидокорлик намуналарини кўрсатдилар.

Колхоз правлениеси ва бошланғич партия ташкилоти колхозчиларга, Тошкент шаҳар Октябрь районидаги 24, 133-ўрта мактаб, Паркент районидаги Карл Маркс номли ўрта мактаб ва районимиздан пахта теримига қатнашган бошқа мактаб ўқувчиларига терим даврида маданий-маиший хизмат кўрсатишни тубдан яхшилади, илғор теримчилар рағбатлантиридик. Шундай қилиб, биз пахта йиғим-теримида катта муваффақиятларга эришдик. Пахта тайёрлаш давлат плани ўтган йилдаги каби бу йил ҳам 17 ноябрда 100,2 процент қилиб адо этилди.

19 бригададан 12 таси, 93 звенодан 57 таси планини тўла ва ошириб бажарди. Ш. Субонов, Назим Мирзаев, М. Шарипов ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг аъзолари социалистик мажбуриятларини ҳам ошириб адо этдилар. Ўртоқ Н. Мирзаев бошлиқ бригада аъзолари 105 гектар ернинг ҳар гектаридан ҳозиргача давлатга 37 центнердан пахта топширдилар. Улар яна гектаридан 8 центнердан пахта топшириш учун курашаётирлар. Область Советининг депутати ўртоқ Р. Бердиқулова бошлиқ бригада ҳар гектаридан 32 центнердан, биринчи йил звено бошлиғи бўлиб ишлаётган ўртоқ М. Турсунов звеноси катта муваффақият қозониб, 23,5 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 44,5 центнердан пахта ҳосили олишга эришди. Коммунист Х. Омонов, У. Қўзибоев ва Жўра Эрматов ўртоқлар раҳбарлик қилган звенолар ҳам гектаридан 32-37 центнердан пахта топширдилар.

Колхозимизга қарашли ўртоқ Ш. Субонов бошлиқ бригада ишлаб келган ер бундан 2 йил илгари Сталин номли колхозга олиб берилган эди. Илгари колхозимиз бу ернинг ҳар гектаридан 32 центнердан пахта ҳосили олгани ҳолда, Сталин номли колхоз атиги 13-15 центнердан пахта ҳосили олди. Бу йил ер яна колхозимизга қайтариб берилди. Ўртоқ Субонов бошлиқ бригада аъзолари фидокорона меҳнат қилиб, яна унумдорликни оширдилар. Бригада гектаридан 32 центнердан пахта топшириб, йиллик планни Улуғ Октябрнинг шонли 40 йиллиги байрами арафасида бажарди. Демак, ҳалол меҳнат қилинса, ернинг ҳосилдорлигини ошириш мумкин экан.

Колхозимиз йиллик пахта тайёрлаш давлат планини ошириб бажарган бўлса ҳам, областимиз ҳали орқада. Давлатга кўп миқдорда пахта топширилиши керак. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг республикамиз меҳнаткашларига қарата қилган Мурожаати ҳар биримизни ғайрат билан ишлаб, далада қолган ҳосилни иложи борича нобуд қилмасдан, тезроқ йиғиб-териб давлатга топширишга руҳлантиради. Колхозимиз аъзолари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, давлатга яна 600 тонна пахта топширишга қарор қилдилар.

Ҳали далада ҳосил кўп. Бироқ йиғим-теримни тугалламасимиздан далани қалин қор қоплади. Биз об-ҳавонинг ўзгариши натижасида вужудга келган қийинчиликларни енгиб, ҳалол меҳнатимиз туфайли етиштирилган ҳосилнинг бир граммини ҳам нобуд қилмасдан йиғиб-териб, давлатга топширишимиз шарт. Бу бизнинг қўлимиздан келади. Ҳозирги вақтда дала ишларини конвейер усулида ташкил қилиб ишламоқдамиз, натижада ҳозиргача мажбурият ҳисобига 150 тоннадан кўпроқ пахта топширдик.

Биз ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олиш тадбирларини амалга ошираётирмиз. Колхозчилар 8 группага бўлиниб ишлаётирлар. Группаларга партия ташкилотининг секретари М. Мирсолиқов, ҳосилот А. Избосаров ва правление аъзолари, активлар бошчилик қилмоқдалар.

Ишнинг унумли бўлиши учун ёғочнинг икки учига арқон боғлаб, отга судратмоқдамиз. Бунинг натижасида гўза тупларидаги қор тушиб, кўсак териш учун қулайлик туғилаётир. Биринчи куни кўсак теришга 400 киши қатнашди. Ўртоқ Маҳкамов бошчилик қилаётган группа аъзолари ўртача 60 килограммдан кўсак теришди. Терилган кўсак аввал чувиш машинасидан чиқарилди, сўнгра сушилкада қуритилиб, иккинчи марта кўсак чувиш машинасидан ўтказилиб, пунктга юборилади.

5-бригада аъзолари ҳам унумли меҳнат қилаётирлар. Жўман Тошев, Зокир Худойберганов, Б. Беказакова, Мингбоева, С. Эшев ўртоқлар бир кунда 40-67 килограммдан кўсак териб топширдилар. Коммунистлардан Риққулов, Бойтўраев, комсомол аъзоларидан Нурматов, Туроббоева, Абдуллаев ўртоқлар ҳам ғайрат билан ишлаб, бошқаларга намуна бўлаётирлар

Ўртоқ Пак бошлиқ трактор бригадасининг механизаторлари ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олишда пахтакорларга яқиндан ёрдам бераётирлар. Иккита кўсак терадиган машина ишга туширилди. 6 та кўсак чувиш машинаси тўхтовсиз ишлаб турибди. Турдиматов, Болтабоев, Ғозиқулов ўртоқлар сушилка ва кўсак чувиш машинасининг узлуксиз ишлашини таъминлаётирлар. 4 та газ сушилка терилган кўсакни пешма-пеш қуритиб бермоқда.

Колхоз правлениеси теримчилар ҳақида алоҳида ғамхўрлик қиладётир. Бир от, 20 қўй, бир қорамол колхозчиларнинг иссиқ овқати учун ажратилди. Теримчиларга ҳар килограмм кўсак учун даланинг ўзида 50 тийиндан пул тўланаяпти.

Ҳосили батамом йиғиб олинган ерлар кетма-кет гўзапоядан тозаланаётир. Минерал ўғит солиниб, шудгор қилинмоқда.

Колхозимиз аъзолари об-ҳавонинг барча қийинчиликларини бартараф қилиб, далада қолган ҳосилни қисқа вақт ичида йиғиб-териб давлатга топширадилар. Биз социалистик мажбуриятимизни, шараф билан бажариб, пахтакорларнинг Бутуниттифоқ 1-қурултойига муносиб совға билан бориш учун курашамиз.

З. УСМОНОВ,

Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозининг раиси.

ХАЛҚ СУДЛАРИ САЙЛОВИГА ТАЙЁРГАРЛИК

Сайловолди ишлари кучайтирилмоқда

Шу кунларда шаҳар ва қишлоқларда халқ судлари сайловини намунали ўтказиш учун сайловолди ишлари қизитиб юборилди. Бу соҳада меҳнаткашлар депутатлари Чирчиқ шаҳар Совети ижроия комитетининг иши диққатга сазовордир.

Шаҳар ижроия комитети сайлов пунктлари ва сайлов округларини тасдиқлади. Шаҳарда ўтган йилдагига нисбатан 6 та сайлов участкаси кўпайди. Бу эса шаҳарда сайловчилар сонининг ошганлигини кўрсатади. Сайловчилар рўйхати тахт қилиниб, ижроком томонидан тасдиқланган ва тегишли жойларда осиб қўйилган.

Шаҳар партия комитети шаҳар ижроия комитети билан биргаликда шаҳардаги бошланғич партия ташкилотлари секретарлари ва депутатларнинг йиғилишини ўтказди. Йиғилишда шаҳар ижроия комитетининг масъул секретари Т. А. Тамарқина «Сайловни намунали ўтказиш тўғрисида» доклад қилди. Шаҳар партия комитетининг секретари Ўртоқ Ф. Ёқубов эса «Сайлов кампаниясида агитаторларнинг вазифалари тўғрисида» доклад қилди. Сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи жамиятнинг шаҳар бўлими «Совет суди — дунёда энг демократик суд», «Совет суди гражданларнинг манфаатини ҳимоя қилишда» ва бошқа темаларда лекциялар уюштирмоқда.

Агитаторлар шу кунларда агитпунктларда ва меҳнаткашларнинг ҳўжаларида СССР Олий Совети юбилей сессиясининг материалларини, халқаро аҳвол ва бошқа темаларда суҳбатлар ўтказаётирлар.

А. ИСМОИЛОВ.

Агитпунктларда

Чиноз районидаги саноат корхоналарида, колхоз ва совхозларда халқ судлари сайловига тайёргарлик ишлари тобора кучайтирилмоқда. Район ижроия комитети халқ судларига сайлов тўғрисидаги Низомга амал қилиб, райондаги сайлов участкалари ҳузурида 17 та сайлов пункти ташкил этди. Бунда сайловчилар учун зарур бўлган барча қулайликлар ҳисобга олинган. Свердлов номли, «XIX партсъезд», «Победа», «Қизил Октябрь» колхозларининг узоқ яйловларида чўпонлар учун алоҳида сайлов пунктн тузилди.

Жойларда сайловчилар тўла рўйхатга олинди. Сайловчилар рўйхати ижроия комитет томонидан тасдиқланиб, кўринарли жойларга осиб қўйилган. Агитаторлар сайловчилар ўртасида сиёсий агитация ишларини бошлаб юборишдилар. Вревская посёлка Совети агитпунктида сайловчилар билан суҳбатлар ўтказилаётир. Агитпункт мудири Ўртоқ Константин Мельников СССР Конституцияси тўғрисида, илгариги сайлов билан ҳозирги сайлов ҳақида муфассал гапириб берди.

Шунингдек, райондаги бошқа агитпунктларда ҳам оммавий-сиёсий ва тушунтириш ишлари олиб борилиши билан бир қаторда сайловолди йиғилишларида халқ судьялари ва халқ маслаҳатчилигига кандидатлар кўрсатиш бошланди.

Чехословакия-Совет дўстлиги ойлигига бағишланган йиғилиш

Суратда: Чехословакия Республикасининг СССР даги элчихонаси маслаҳатчиси **Ладислав Вацата** (чапдан иккинчи) кеча қатнашчилари билан суҳбатлашмоқда.

В. Лейзерович фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

25 ноябрда Свердлов номли концерт залида Тошкент меҳнаткашлари вакилларининг Чехословакия-Совет дўстлиги ойлигига бағишланган йиғилиши бўлди.

Президиумда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари З. Р. Раҳимбобоева, республика Министрлар Совети раисининг ўринбосари М. М. Мусахонов, Ўзбекистон КП Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири Ғ. Н. Нажимов, Тошкент область партия комитетининг секретари А. И. Бродова, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси М. Т. Турсунов, Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари И. Р. Арнаутов ва партия, совет ҳамда жамоат ташкилотларининг бошқа раҳбарлари ўтирибдилар. Президиум столи ёнида Чехословакиянинг СССРдаги элчихонасининг маслаҳатчиси Ладислав Вацата ҳам бор эди.

Йиғилишни чет эллар билан маданий алоқа қилувчи Ўзбекистон жамияти правленнесининг раиси Ш. К. Ширинбоев очди. Йиғилишда ҳозир бўлган кишилар Чехословакия Республикасининг яқинда вафот этган президенти, Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, халқаро ишчи ҳаракатининг атоқли арбоби, Совет Иттифоқининг содиқ дўсти Антонин Запотоцкий хотирасини ўринларидан туриб, ҳурматлаб эсга олдилар.

Бир группа совет олимлари билан биргаликда Чехословакияга бориб келган Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги О. С. Содиқов доклад қилди. Ўртоқ Содиқов Чехословакия фашист золимлардан озод қилинганидан кейин ўтган 12 йил ичида бу мамлакатда рўй берган катта ўзгаришлар тўғрисида гапирди.

Чехословакиянинг Ўзбекистон билан иқтисодий ва маданий алоқалари кун сайин мустаҳкамланмоқда ва ривожланмоқда. Чехословакияда тайёрланган машиналар ва механизмлардан республиканинг қурилишларида ва колхоз далаларида фойдаланилмоқда. Ўзбекистон ҳам қардош Чехословакия Республикасига газлама, электр кабель, химия саноати учун керакли машина-ускуналар ва бошқа энг муҳим саноат маҳсулотларини юбормоқда. Юлиус Фучик, Мария Пуйманова, Ян Дрда, Ярослав Гашекнинг ўзбек тилига таржима қилинган асарлари Ўзбекистондаги кутубхоналарда севиб ўқилмоқда. Тошкент, Самарқанд ва республиканинг бошқа шаҳарларидаги театрларда Дворжак, Сметана ва бошқа чехословак композиторларининг ўлмас асарлари кўрсатилмоқда, қардош халқнинг турмуши тўғрисидаги пьесалар саҳнага қўйилмоқда. Алишер Навоий, Фурқат, Ойбек ва бошқа ўзбек ёзувчиларининг асарлари Чехословакия халқларининг тилларига таржима қилинди.

Ўртоқ Содиқов ўз докладини тамомлаб, ҳамманинг гулдурос қарсаклари остида Совет Иттифоқи ва Чехословакия Республикаси халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик шарафига, социалистик лагердаги мамлакатларнинг мустаҳкамланиб бораётган бирлиги шарафига табрик хитоблари айтди.

Йиғилишда Чехословакия Республикасининг СССРдаги элчихонасининг маслаҳатчиси Ладислав Вацата нутқ сўзлади. Ҳамма томонидан самимий кутиб олинган Ладислав Вацата Ўзбекистон меҳнаткашларига чехословак халқининг қизғин саломини топширди.

Йиғилиш қатнашчилари Чехословакия-Совет дўстлиги союзи президиуми номига баланд руҳ билан табрик телеграммаси қабул қилдилар.

Йиғилишнинг тантанали қисмидан кейин катта концерт қўйиб берилди. Бу концертда чех ва словак халқ қўшиқлари ҳамда рақслари ижро этилди. (ЎзТАГ).

Ҳарбийлар учун маданий хизмат

Офицер А. Завалей командирлик қилаётган ҳарбий бўлинмада Ўзбекистон ССР ва Тожикистон ССР халқ артисти Иван Павлович Шквалов билан жангчиларнинг ижодий учрашуви бўлиб ўтди. Иван Павлович учрашувда ўзининг ижодий фаолияти ва ҳозирги пайтда қандай образлар яратиш устида ишлаётганлиги ҳақида ҳикоя қилиб берди. Навоий номли опера ва балет театри ижодий коллективи, давлат эстрадаси ва филармония артистлари билан ҳам шундай учрашувлар бўлиб ўтди.

Тошкент санъат усталари ҳарбий хизматчиларни тез-тез ўз премьераларига таклиф қилиб турадилар. Чунончи, Навоий номли театрнинг ижодий коллективи уларга «Ойниса» балетини, Туркво театри артистлари «Разлом» постановкасини кўрсатдилар. Шу йилнинг ўтган ойларида ҳарбий хизматчилар 40 дан ортиқ спектакль ва концерт тамоша қилдилар. Горький номли театр артистлари Ленин номли ҳарбий мактаб курсантларига янги пьесалардан парчалар кўрсатдилар.

Ҳарбийларга бадиий хизмат кўрсатиш ишига маданият ходимлари касаба союзи республика комитетининг оталик комиссияси раҳбарлик қилмоқда.

Халқаро илмий ҳамкорлик

СССР Фанлар академияси кейинги икки йил ичида Берлиндаги Германия Фанлар академияси, Польша Халқ Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси ва Чехословакия Республикасининг Фанлар академиялари билан илмий ҳамкорлик тўғрисида битимлар тузди.

22 ноябрда СССР Фанлар академиясининг президиуми бу битимлар академиянинг муассасалари томонидан қандай бажарилаётганлигини муҳокама қилди ҳамда совет олимларининг халқаро алоқаларини янада мустаҳкамлаш тадбирларини белгилади.

СССР Фанлар академиясининг президиуми ҳузуридаги халқаро илмий алоқалар комиссиясининг раиси Н. М. Сисакян ўз докладида айтиб ўтганича, битимларнинг асосий вазифаси ўзаро манфаатли тадқиқотларни биргаликда амалга оширишдан иборатдир.

Бу соҳада ҳозирдаёқ муайян ижобий тажриба тўпланди. Масалан, СССР Фанлар академиясининг акустика институти Польша Халқ Республикасининг техника асосий проблемалари институти билан биргаликда ультра овоз ва уни техникада қўлланиш соҳасидаги тадқиқотларни амалга оширмоқда. СССР Фанлар академиясининг химик физикаси институти билан Польша Фанлар академиясининг физик химияси институти ўртасида химик тадқиқотларда изотоп методларини қўлланиш соҳасида биргаликда иш олиб бориш тўғрисида битимга эришилди. СССР Фанлар академиясининг элементоорганик қўшилмалар институти Польша академиясининг юқори молекула қўшилмалари институти билан биргаликда тадқиқот ишларини бошлади. СССР Фанлар академиясининг география институти Польша олимлари билан маҳкам боғланган. Ҳозирги вақтда поляк олимлари СССР Фанлар академиясининг география институтида тайёрланган «Польша географияси» монографиясига рецензия тайёрламоқдалар. СССР Фанлар академиясининг К. А. Тимирязев номидаги ўсимликлар физиологияси институтининг Чехословакия ва Словакия Фанлар академиялари биология институтлари билан ўсимлик тўқималарини текшириш соҳасида биргаликда иш олиб боришлари йўлга қўйилди.

СССР Фанлар академиясининг тарих, славяншунослик, этнография институтлари халқ демократияси мамлакатларининг мутахассислари иштироки билан бир қанча асарлар яратмоқдалар. Поляк, немис ва венгер олимларининг асарлари бу институтларнинг вақтли нашрларида босилиб чиқмоқда. СССР Фанлар академиясининг экономика институти халқ демократияси мамлакатларидаги экономика институтларининг илмий ходимлари билан бирга иккита муҳим коллектив асарни: «ҳўжаликнинг жаҳон социалистик системасининг вужудга келиши ва ривожланиши» ҳамда «Халқ демократияси мамлакатларини социалистик индустрлаштириш масалалари» деган асарларни яратиш билан боғлиқ тадқиқот ишлари олиб бормоқда.

А. М. Горький номидаги жаҳон адабиёти институти Польша Фанлар академиясининг адабий тадқиқотлар институти билан биргаликда «М. Конопницкаянинг ижоди ва XIX асрнинг охирида — XX асрнинг бошида поляк адабиётида реализмнинг ривожланиши» деган монография устида иш олиб бормоқда.

Бу йил турли съездларда, конференцияларда қатнашиш учун ҳамда илмий муассасаларда иш олиб бориш учун СССРга халқ демократияси мамлакатларидан 500 дан ортиқ илмий ходимлар келиб кетди. Совет олимлари ҳам чет эллардаги бир қанча илмий съездларда иштирок этдилар.

Доклад юзасидан музокараларда академиклардан А. Н. Несмеянов, А. В. Топчиев, Н. Н. Семенов, В. В. Виноградов, В. А. Энгельгардт, В. С. Немчинов, М. А. Лаврентьев сўзладилар. Улар киритган таклифлар халқаро илмий ҳамкорликни кенгайтириш ва такомиллаштиришга қаратилгандир.

Президиум ўз қарорида шу йўлда бир қанча ташкилий тадбирлар ўтказишни белгилади. (ТАСС).

Чет Элларда

Финляндия Компартияси Марказий Комитетининг қарорлари

ХЕЛЬСИНКИ, 25 ноябрь. (ТАСС). Кеча Хельсинкида Финляндия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми ўз ишини тамомлади. Пленум Коммунистик ва ишчи партияларнинг Москвада бўлиб ўтган кенгаши тўғрисида партия бош секретари В. Пессининг доклади юзасидан резолюция қабул қилди.

Марказий Комитет кенгашда самимий ҳамкорлик ва пролетар интернационализми руҳи ҳукм сурганлиги муносабати билан эўр қувонч билдирди.

Марказий Комитет, дейилади резолюцияда, кенгашда қабул қилинган Тинчлик Манифести билан танишиб чиқиб, унинг бутун инсониятнинг, шу жумладан фин халқининг ҳам келажаги учун гоят муҳим бўлган идеяларига қўшилади. Марказий Комитет Сиёсий бюрога бу тарихий ҳужжатни партиянинг ҳамма аъзолари муҳокамасига топшириш ҳамда уни халқ кенг оммасига маълум қилиш, шунингдек Манифестда илгари сурилган ҳамда Финляндия Коммунистик партиясита ва фин халқига таллуқли бўлган вазифаларни бажаришга қаратилган тадбирларни белгилаш вазифасини юклади.

Марказий Комитет, дейилади сўнгги резолюцияда, социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партияларнинг Декларациясига ҳам тўла равишда қўшиладики, бу Декларация халқаро аҳволни, барча прогрессив кишилар қизиқаётган идеологик ва бошқа кенг проблемаларни анализ қилиб берган. Декларациядан Финляндия шароитига мувофиқ хулосалар чиқариш учун уни пухта ўрганишга киришишга қарор қилинди.

Финляндия Коммунистик партияси ўз томонидан халқаро тинчликни ва халқлар фаровонлигини, шунингдек демократик тараққиётни таъминлашнинг мазкур кенгашларда белгиланган йўлларини мустаҳкамлаш учун Коммунистик ва ишчи партиялар ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга интилмоқда.

Германия Коммунистик партияси ядро қуролини тақиқлашга чақириб варақалар чиқарди

БЕРЛИН, 24 ноябрь. (ТАСС). «Нейес Дейчланд» газетасининг хабарига кўра, Ғарбий Германияда Германия Коммунистик партияси томонидан чиқарилган варақалар пайдо бўлди. Бу варақаларда ГФРда атом қуроли ишлаб чиқарилиши ва жойлаштирилишига қарши норозилик билдирилмоқда. «Дейчер фрейхетсзендер 904» радиостанцияси кеча бу варақаларнинг текстини ўқиб эшиттирди.

Варақаларда бундесверни атом қуроли билан қуроллантиришдан ҳамда ГФР территориясида бу қуролнинг ишлаб чиқарилишидан ва сақланишидан воз кечиш талаб этилади. Германия Коммунистик партияси Федератив Республикасининг НАТОдан чиқишини талаб қилмоқда, қуролсизланиш тўғрисида халқаро битимлар тузиш масаласида, атом қуролидан воз кечиш масаласида ташаббус кўрсатишга ва барча халқларнинг тинч-тотув яшаши сиёсатини илгари суришга даъват қилмоқда. Фақат шу йўл билангина, дейди Германия Коммунистик партияси, Германиянинг бирлигини тиклаш учун шарт-шароит яратилиши мумкин.

Халқаро илмий конференция тамом бўлди

ПРАГА, 24 ноябрь (ТАСС). Чехословакия телеграф агентлигининг хабарига кўра, кеча Прагада марксизм-ленинизм институтларининг ҳамда коммунистик ва ишчи партиялар тарихи комиссияларининг халқаро илмий конференцияси тамом бўлди. Конференцияда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг халқаро ишчилар ҳаракатига таъсири тўғрисида докладлар ўқилди, айрим мамлакатларнинг институтлари ва комиссиялари ўртасида илмий ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Конференцияда революцион ишчилар ҳаракати тарихи соҳасидаги ишлар учун Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX съезди, Хитой Коммунистик партияси VIII съезди қарорларининг. Шунингдек бошқа коммунистик ва ишчи партиялар қарорларининг аҳамияти уқтириб ўтилди. Венгрия социалистик ишчи партияси тарихи институтига Улуғ Октябрь социалистик революциясининг Марказий Европа мамлакатларига таъсири тўғрисидаги халқаро ҳужжатлар тўпламини узил-кесил таҳрир қилиш топширилди.

«ДЕКЛАРАЦИЯ ВА МАНИФЕСТ МИЛЛИОНЛАРЧА КИШИЛАРНИНГ ЯХШИ НИЯТЛАРИНИ ИФОДА ЭТАДИ»

БЕРЛИН, 24 ноябрь. (ТАСС). «Нейес дейчланд», «Нейе цейт», «Берлинер цейтунг» газеталари ва бошқа газеталар бошмақолалар ҳамда редакцион шарҳларни, шунингдек социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари Декларацияси ҳамда Тинчлик манифестини табриклаётган ГДР даги атоқли жамоат арбоблари ва меҳнаткашлар вакилларининг фикрларини босиб чиқармоқдалар.

«Нейес дейчланд» газетасида Германия Демократик Республикаси министрлар совети раисининг ўринбосари Г. Раунинг «Тинчлик ва социализм» сарлавҳали мақоласи босиб чиқарилган. Мақолани автори социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари вакилларининг кенгаши фикрлардаги тўла бирлик вазиятида ўтганлигини ва мамлакатларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тўла тенглиги принципига асосланганлигини таъкидлайди. Социалистик лагернинг ана шу бирлиги, — деб ёзади Г. Рау, — империалистларнинг ана шу лагердаги мамлакатлар коммунистларининг қардошларча бирлигини бузиш йўлидаги ҳар қандай уринишлари, социализм душманларининг ҳар қандай мўлжаллари барбод бўлганлигини кўрсатади.

«Берлинер цейтунг» газетасининг бошмақоласида бундай дейилади: Халқаро ишчи ҳаракатининг синалган намояндалари томонидан қабул қилинган Тинчлик манифести инсоният яшаётган вазият аниқ ва равшан тушунилганлигини ифода этади. Тинчлик манифести кишилар маҳкам жипслашганларида бутун дунёда тинчликни таъминлай олишларига уларнинг ишончини оширади.

Германия либерал-демократик партиясининг органи «Дер морген» газетаси ёзади: Декларация ва Тинчлик манифести миллионларча кишиларнинг яхши ниятларини ифода этади. Манифест бутун дунёдаги тинчлик тарафдорлари олдида турган энг яқин вазифаларни равшан кўрсатиб беради.

Газеталар Жаҳон Тинчлик Кенгашининг аъзоси Г. Вильманнинг баёнотини босиб чиқардилар. Тинчлик манифести, — деди Г. Вильман, — ҳар бир кишига, унинг дунё қараши қандай бўлишидан қатъий назар, таллуқли хитобномадир. Ана шу муҳим ҳужжат равшанлик ва темирдай мустаҳкам логика намунасидир. Бу ҳужжат коммунизм уруш йўли билангина ғалаба қилиши мумкин деган сохта гапларни фош қилади.

«СОЦИАЛИЗМ — ТИНЧЛИКНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ»

ПРАГА, 24 ноябрь. (ТАСС). «Руде право», «Оборона лиду», «Праце», «Млада фронта», «Лидова демократие» газеталари бугунги сонларидаги бошмақолалари ва редакцион мақолаларини Тинчлик манифестига бағишладилар.

«Руде право» газетаси «Дунёда тинчлик бўлсин!» сарлавҳали бошмақоласида қуйидагиларни ёзади:

Ҳалқаро ишчилар синфи авангардининг овози Москвадан жаранглаб эшитилди. Бу овоз барча меҳнаткашларга, бутун инсониятга янада бахтлироқ, адолатлироқ, янада мукаммал давр перспективаларидан дарак беради. Ер юзининг учдан бир қисмида ана шу даврга асос қўйилди. Тарихий Тинчлик манифести Ер йўлдошининг тезлиги каби суръат билан бутун дунёга эшитилди ва кишиларнинг қалбларини умид билан тўлдирди ҳамда одамларнинг дунёда тинчликни сақлаш йўлидаги интилишларини гоят оширди. Қуролярог тайёрловчи магнатлар бутун дунёни қуролланиш ва уруш ваҳимаси гирдобига ташламоқчи бўладилар. Қуролланиш ва уруш ваҳимасининг мудҳиш вазиятида Тинчлик манифести ёркин машъал бўлди.

Мақолада яна бундай дейилади: социализм инсоният мустаҳкам тинчлик бўлишига ишониш учун йўл очиб берди. Социализм, халқлар ўртасидаги қардошларча муносабатлар доимий ва мустаҳкам тинчликни таъминлайдиган вақт келажагига шак-шубҳа йўқ. Ана шу ишонч бутун дунёдаги халқ оммаси орасига тобора кенг ёйилмоқда. Социализм-тинчликнинг мустаҳкам таянчидир.

Социалистик мамлакатларнинг тинчликка интилаётганликларига қарамай, империалистик доиралар урушдан воз кечишни, тинч мусобақа қилиш принципига, халқаро миқёсдаги жанжалли проблемаларни тинч ҳал этишга рози бўлмаётирлар, улар янада эўр бериб қуролланишга интилмоқдалар. Аммо Совет Иттифоқининг енгилмас халқи олимчилигида социалистик мамлакатлардаги юз миллионларча меҳнаткашлар тинчликни қўриқламоқдалар. Коммунистларгина эмас, балки Франция, Италия, Мексикадаги соф виждонли оддий кишилар, Нью-Йорк ва Токионинг атрофида яшовчи кишилар ҳам уларга қўшилмоқдалар.

«Руде право» газетаси мақоланинг охирида қуйидагиларни ёзади: Тинчлик манифестини имзолаган партиялар делегациялари ва вакиллари орасида бизнинг партиямизнинг, Чехословакия Коммунистик партиясининг вакиллари ҳам бор. Биз шу билан фахрланамизки, Коммунистик партия раҳбарлигидаги мамлакатимиз, халқимиз, ишчилар синфимиз бутун дунёда социализм ва тинчлик авангардининг биринчи сафларида мустаҳкам суратда турибди. Урушга йўл қўймаслик ва тинчлик бўлишини таъминлаш — Чехословакия меҳнаткашларининг қатъий талабидир.

СОЦИАЛИЗМ УЛУҒ ИШИНИНГ ҒАЛАБАСИГА ИШОНЧ

ПХЕНЬЯН, 25 ноябрь. (ТАСС). «Минчжу чосон» газетасининг бугунги сонида Умум Корея касаба союз федерацияси Марказий комитетининг раиси Хан Сан Дунинг баёноти эълон қилинди. Баёнотда бундай дейилади: Корея меҳнаткашлари социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари вакиллари кенгашининг Декларациясини ва Тинчлик Манифестини қизғин қўллаб-қувватламоқдалар. Бу ҳужжатлар, деб ёзади автор, Корея Халқ-Демократик Республикаси меҳнаткашларининг хоҳиш-иродасини тўла акс эттиради, уларнинг йўлини ёритиб беради, уларни социализм улуғ ишининг муқаррар ғалаба қилишига ишончларини янада оширади, уларни тинчликни қатъий туриб ҳимоя қилишга отлантиради.

Социалистик лагернинг шарқий постида турган корейс халқи, деб ёзади Хан Сан Ду, Корея Меҳнат партияси ва республика ҳукуматининг раҳбарлиги остида Улуғ Октябрь йўлидан бориб ва Шимолий ҳамда Жанубий Корея меҳнаткашларининг кучларини жипслаштириб, Америка империалистларини Жанубий Кореядан ҳайдаб чиқаришга, ватанни тинч йўл билан бирлаштиришга ва ўз мамлакатида социализм ғалабасига эришишга қатъий қарор бергандир. Корея ишчилар синфи Совет Иттифоқи бошчилигидаги социалистик лагерь мамлакатлари билан ва бутун дунё ишчилар синфи билан пролетар интернационал жипслигини янада эўр бериб мустаҳкамлайди.

Тарихий аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар

БРЮССЕЛЬ, 25 ноябрь. (ТАСС). «Драпо руж» газетаси социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари Декларацияси ҳамда Тинчлик Манифестининг тўла текстларини босиб чиқарди. Газета уларни тарихий аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар деб атайди. «Тинчлик Манифести, — деб ёзади «Драпо руж» газетаси, — бутун дунё меҳнаткашлари олдида тараққиёт ва тинчлик кучларининг янада эўр куч билан ўсиши перспективаларини очиб беради».



Мўғулистон Халқ Республикаси. **Суратда:** Улан-Баторда қурилган янги аэропорт биноси.

К. Широнин фотоси, (ТАСС фотохроникаси).

ХХР раиси Мао Цзэ-дун совет жамоатчилиги делегациясини қабул қилди

ПЕКИН, 25 ноябрь. (ТАСС). Хитой Халқ Республикасининг раиси Мао Цзэ-дун бугун А. А. Андреев бошчилигидаги совет жамоатчилиги делегацияси аъзоларини қабул қилди.

Қабул маросимида Хитой-Совет дўстлиги жамияти Марказий кенгашининг раиси Сун Цин-лин ва жамиятнинг бошқа раҳбар арбоблари, шунингдек СССРнинг Хитойдаги элчиси П. Ф. Юдин ҳозир бўлдилар.

ЛУИ АРАГОНГА «ХАЛҚЛАР ЎРТАСИДА ТИНЧЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН» ХАЛҚАРО ЛЕНИН МУКОФОТИНИНГ БЕРИЛИШИГА ДОИР

ПАРИЖ, 25 ноябрь. (ТАСС). Машҳур француз ёзувчиси ва жамоат арбоби Луи Арагонга «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Ленин мукофоти берилганлиги муносабати билан «Юманите» газетаси Франция Коммунистик партияси Марказий Комитетининг ва Морис Торезнинг Арагонга юборган табрик телеграммаларини эълон қилди.

Франция Коммунистик партиясининг Марказий Комитети Арагонга Франциянинг мустақиллиги учун, тинчлик ва халқлар ўртасида ҳамкорлик учун курашда янада муваффақият тилайди.

Арагон табрикка жавоб қайтариб, «Юманите» газетасида бундай деб ёзади: «халқлар ўртасида тинчлик идеяси билан боғланган Ленин номидаги мукофотнинг берилиши менинг зиммамга алоҳида катта жавобгарлик юклайди». «Мен, — деб қўшимча қилади Арагон, — Ленин номидаги мукофотни менга берганларга ташаккур билдиришнинг бирдан-бир имконияти — шу номга муносиб бўлишдан иборат деб биламан».

СОВЕТ ФАНИНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ ТЎҒРИСИДА АМЕРИКАЛИК ОЛИМНИНГ АЙТГАНЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК, 25 ноябрь. (ТАСС). Юнайтед Пресс агентлигининг Вашингтондан берган хабарига кўра, машҳур атомчи олим доктор Э. Теллер телевизион эшиттириш орқали бундай деган: ҳозирги вақтда фан соҳасида етакчи ўринни олиб турган Россияни кувиб етиш учун Қўшма Штатларга 10 йил керак бўлади.

ИФНИ АҲОЛИСИ БИЛАН ИСПАН ГАРНИЗОНИ ЎРТАСИДА ҚУРОЛЛИ ТЎҚИНИШЛАР

ПАРИЖ, 25 ноябрь. (ТАСС). Париж матбуотининг билдиришича, Ифнининг (Испаниянинг Марокаш территориясидаги мустамлака ерлари) кўп районларида кейинги кунларда маҳаллий аҳоли билан испан гарнизони қўшинлари ўртасида қуролли тўқинишлар бўлмоқда. Испания ҳукмронлигига қарши чиқаётган Ифни аҳолиси Марокашнинг бошқа қисмлари билан қайта қўшилишга ҳаракат қилмоқда.

Баъзи газеталарнинг билдиришича, тўқинишлар вақтида испан қўшинларидан 50 га яқин киши ўлдирилган ва ярадор қилинган.

ТУРКИЯ ЎЗ ҚЎШИНЛАРИНИ СУРИЯ ЧЕГАРАСИГА ТУПЛАШНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА

ДАМАШҚ, 25 ноябрь. (ТАСС). Халаб шаҳрининг бу ерга келган губернатори матбуот вакилларига Туркиянинг ўз қўшинларини бутун Туркия-Сурия чегараси бўйлаб тўплашни давом эттираётганлигини айтган.

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

✦ Софияда Болгария Халқ Республикаси билан Бирма Иттифоқи ўртасида товар айирбошлаш ва тўловлар тўғрисида савдо битими имзоланди. Бирма Болгарияга гуруч, пахта, вольфрам, тик ёғочи, маккажўхори, эиравор, жун ва бошқа товарлар етказиб беради. Болгария эса Бирмага қурилиш машиналари ва қишлоқ хўжалик машиналари, ёғочсозлик ва металл ишлаш саноати учун станоклар, электр машиналар, дераза ойнаси, цемент, газлама, гилам, хўл ва қуруқ мева, вино ва ликерлар етказиб беради.

✦ Теҳронда СССР билан Эрон ўртасида туризмни ривожлантиришга бағишланган матбуот конференцияси бўлди. «Интурист» жамиятининг вакили И. А. Степура яқин вақтда бир группа совет туристлари Теҳронга, Исфаҳонга, Широзга ва Эроннинг бошқа шаҳарларига келишини айтди.

✦ Октябрь ойида Баден-Вюртемберг (Ғарбий Германия)да озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи сентябрь ойидагига нисбатан қарийб 6 процент ошган. Кийим-кечак 6,3 процент, уй-рўзғор буюмлари 4,9 процент, уйларни иситиш ва ёритиш учун тўланадиган ҳақ 2,7 процент қимматланган.

✦ Жазоирдан олинган хабарга кўра, кўп ёмғир ёғиши сабабли бошланган сув тошқини натижасида Бон-Ле-Салин аэропортида 10 киши ҳалок бўлган. Бутун Жазоирда ёғингарчилик экинларга ва темир йўл иншоатларига кўп зарар етказган. (ТАСС).

Аъло хизмат кўрсатганликлари учун

Тошкент шаҳридаги кинотеатрлар ва кутубхоналар 1957 йилда меҳнаткашларга маданий хизмат кўрсатишни бирмунча яхшиладилар. Намунали хизмат қилиб, планни ортиги билан бажаргани учун кенг экранли «Родина» кино театри коллективидан бир неча киши СССР Маданият министрлигининг Фахрий ёрлиғи билан, кино театр директори Ўртоқ Н. Васлиев «Аъло хизмат кўрсатгани учун» значоги билан мукофотланди. Кино театрга эса вимпел берилди.

Бундан ташқари шаҳар кино театрларида хизмат қилувчи техноруклардан Шоисҳоқов, Тошмуҳамедов ўртоқлар иттифоқ маданият министрлигининг Фахрий ёрлиғи, Калонов, Горшинович ўртоқлар эса «Аъло хизмат кўрсатгани учун» значоги билан тақдирландилар. Кино театр ва кутубхоналар ходимларидан 30 кишига турли мукофотлар берилди.

Ф. УСМОНОВА.

Ўзбекистон ипакчилик саноати илмий-текшириш институтининг лабораториясида ипак толаси сифатини яхшилаш соҳасида текшириш ишлари олиб борилмоқда. **Суратда:** янги нав пилладан олинган ипак намуналарини сортларга ажратиш пайти.

М. Турсунхўжаев фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Тўрт ярим минг инженер тайёрланди

Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригация ва механизациялаш инженерлари институтида яқиндан бошлаб «Қишлоқ хўжалик инженерлари» номли кўп тиражли газета чиқа бошлади. Бу газета ўз саҳифаларида турли материаллар қаторида институт тарихига оид жуда қизиқарли мақолаларни ҳам босмоқда. 23 йил мобайнида институт тўрт ярим минг яқин инженер-гидротехник, ер тузувчи, механик мутахассис кадрлар тайёрлаб етиштирди.

Ҳозир институтда 45 миллат ўғил-қизлари таълим олмоқдалар. Бу ерда 276 та ўқитувчини бирлаштирган 36 та кафедра ишлаб турибди. Ўқитувчилар составида 8 фан доктори ва профессор, 75 доцент ва фан кандидатлари бор.

Р. АБДУЛЛАЕВ.



Суратда: Сирдарё пахта тайёрлаш пунктида.

Р. Шамсутдинов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ИЛМИЙ МУАССАСАЛАРДА

Геолог-олимлар ижоди

Геология институти Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг энг кекса илмий муассасаларидан биридир. Бу институт 20 йилдан ортиқроқ вақтдан буён республика ишлаб чиқариш кучларининг ўсишига ўзининг катта ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Институт илмий ходимлари геология фанининг турли соҳалари бўйича тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

Бундан 15-20 йил аввал С. И. Ильин, А. М. Габриельян ва бошқа отоқли геолог-олимлар томонидан Ўзбекистоннинг ғарбий районларида катта нефть конлари борлиги айтилган эди. Бухоро областида узоқ вақт олиб борилган илмий-текшириш ишлари бу фикрнинг тўғрилигини тасдиқлади. Ҳозир институтнинг геология ва нефть лабораториясида (бошлиғи геология фанлари доктори, профессор А. М. Габриельян) Ўзбекистоннинг ғарбий районларида нефть газидан фойдаланиш перспективаларини ҳал қилиш устида катта ишлар олиб борилмоқда. Лаборатория олимлари олдида бу ерларда нефтнинг пайдо бўлиши ва келиб чиқиши қонуниятларини тониш вазифаси турибди. Ана шу мақсадда лабораториянинг илмий ходимлари навбатдаги экспедициягa ҳозирлик кўрмоқдалар.

Бундан ташқари, Геология институтининг илмий ходимларидан катта бир группаси Ҳисор тизма тоғларида ва унинг жануби-ғарбида петрологик, минерало-геологик текширишлар ўтказмоқда.

Геолог-олим Н. Н. Петров Оҳангарон коалинидан чинни идишлар тайёрлашда фойдаланишни таклиф этди. Ҳозир Тошкентдаги чинни заводида шу таклиф асосида тажриба ишлари олиб борилаётир.

Машҳур олим, академик А. С. Уклонский эса ерости ва ер юзидаги сувларнинг изотоп составини ўрганмоқда. Академикнинг ишлари бевосита Мирзачўл ерости сувлари составини ўрганиш билан боғланган.

Мирзачўлни ўзлаштириш ишида институт олимларининг қўшаётган ҳиссаси алоҳида аҳамиятга эгадир. Институтнинг гидрогеология лабораториясининг (бошлиғи геология фанлари кандидати А. Ф. Сляднев) илмий ходимлари Сталин мукофоти лауреати, геология фанлари доктори М. М. Крилов раҳбарлигида Мирзачўлнинг гидрогеологик шароитларини ўрганмоқдалар. Мирзачўлда ирригацион, инженерлик ва граждан иншоотлари қурилиши илмий жиҳатдан ўрганиш масалалари билан институтнинг инженерлик-геология лабораторияси ходимлари шуғулланаётир.

С. МУСАЕВ.

Ховос районида

ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР УЧУН

Кейинги йилларда Урсатьевск посёлкаси таниб бўлмас даражада ўзгарди. Кўпгина ишчи-хизматчилар, инженер-техниклар ўзлари учун уй-жой биноларн қуриб олмоқдалар. Темир йўл бошқармаси ишчилар учун уй-жой биноларн қуришни йилдан-йилга кўпайтирмоқда. Сўнгги 5 йил ичида 4 минг квадрат метрдан ошиқ уй-жой қурилди.

Яқинда 2-қурилиш участкасининг қурувчилари 3 та икки қаватли уй-жой биносини қуриб, фойдаланишга топширдилар. Ҳозир бу уйларда 24 темирйўлчи ўз оиласи билан яшамоқда. Бундан ташқари, қурувчилар 444 квадрат метр ҳажмида бўлган ётоқхона биносини ҳам муддатидан олдин қуриб бўлдилар.

АПТЕКАЛАР СОНИ КЎПАЙДИ

Райондаги колхоз ва совхозларнинг аҳоли яшайдиган пунктларида медицина муассасаларининг сони кўпайтирилаётир. Ҳозир жойларда 10 га яқин аптека ишлаб турибди.

Яқинда Совет қишлоғидаги касалхона ёнида ҳам аптека ташкил қилинди.

САВДО ДЎКОНЛАРИ

Урсатьевск посёлкасида 30 дан ортиқ савдо-сотиқ магазини ишлаб турибди. Шундан 10 таси вокзалда ташкил қилинган бўлиб, улар пассажирларга маданий хизмат кўрсатмоқда.

Яқинда посёлкада яна 2 дўкон ишлай бошлади. Янги дўконларда сут, қаймоқ, қовун-тарвуз ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари сотилаётир.

МУТАХАССИС КАДРЛАР

Район ДОСААФ бўлими ҳузурида ташкил қилинган шоферлар тайёрлаш курсини 28 киши муваффақиятли тугаллаб чиқди. Курсни битирганларнинг ҳаммаси райондаги колхоз, совхозларда, қурилиш участкаларида ишламоқда.

ҲАММОМ ҚУРИБ БИТКАЗИЛДИ

Район марказида қурилиб бошлаган янги ҳаммом биноси битказилиб, фойдаланишга топширилди. Қурилиш тез суръатлар билан олиб борилди ва муддатидан олдин битказилди. Ҳаммомда бир йўла 47 киши ювиниши мумкин. Ҳаммомда ювинувчилар учун ҳамма қулайликлар яратилган.

А. ШИРИНБОЕВ.

Чирчиқ шаҳридаги «Ўзбекхиммаш» заводи маданият уйининг ўқиш зали кечки пайтлари китобхонлар билан гавжум бўлади. Бу ерда турли газета ва журналларнинг янги сонларини ўқиш мумкин. **Суратда:** машинасозлар маданият уйининг ўқиш залида.

Б. Артемов фотоси.

САНЪАТ ЯНГИЛИКЛАРИ

Ижодий изланиш йўлида

Ўзбек эстрада санъатида батамом унутиб қўйилган бир соҳа бор: бу — саҳнада тамошабинга чинакам эстетик завқ берадиган, тамоша залидан зўр қаҳқаҳа ҳосил этиб, турмушимизда учраб турувчи иллатларни, қолоқ қайфиятларни, турғунлик ва консерватизмни аёвсиз фош қилиб ташлайдиган юмористик ва сатирик интермедиялар, шўх лапарлар ва дуэтларнинг йўқлигидир. Шу важдан олиб қараганда, ўзбек давлат эстрадасининг ижодий коллективи ёзувчи Аббос Муҳитдиннинг «Таниш башаралар» деган икки бўлимдан иборат эстрада тамошасини саҳнага қўйиб, бу нуқсонни тўлдириш, эстрадада сатира ва юморни тиклаш йўлида дадил қадам қўйди.

«Таниш башаралар»даги энг эсда қоладиган, бадиий-ғоявий жиҳатдан пишиқ саҳналардан бири, албатта, «район социал таъминот бўлимида» интермедиясидир. Стол ёнида олифта кийинган йигит — социал таъминот бўлимининг мудири ўтирибди. Унинг бутун вужуди: кийими ҳам, шляпасини бостириб олганлиги, қиликлари ва хатти-ҳаракатлари ҳам кўз ўнгимизда ашаддий маҳкамачи, ўтакетган тўра ва бюрократ турганлигини таъкидлайди. Мана, унинг олдига пенсия ишини ҳал қилмоқ мақсадида бир кампир кириб келди. Мудир ўз онаси билан тенг бу муштипарни пинагини бузмай, илтифотсизлик билан кутиб олади ва тайёр бўлган-бўлмаган анкета саволлари билан унинг бошини қотиради. Ҳатто унга «жинсингиз нима?», «революциядан илгари қайси партияларда бўлгансиз» деган беъмани саволларни беради.

Бу интермедияда ўйнаган ёш артистлардан Назрулла Ёқубов ва Кимё Аҳмедова сатирик пландаги истеъдодли ижрочилардан эканликларини намойиш қилдилар. Улар яратган ҳар иккала образни машҳур эстрада артисти Аркадий Райкин галереясидаги типлар қаторига бемалол киритиш мумкин.

«Таржимон» дуэти ҳам ёзувчи ва ижрочи артистларнинг катта ютуғидир.

Булардан ташқари «Қишлоқ советининг секретари» интермедияси, «Чайқовчи», «Фол боқиш» дуэтлари ҳам кишининг ёдида қоладиган саҳналардандир.

«Таниш башаралар» тамошасида артистлардан Жамила Қутлиева, Тамара Юнусова, Гулнора Қиёкова ва бошқалар ўз лапарлари ва рақслари билан иштирок этганлар.

Юқорида айтганимиздек, «Таниш башаралар» эстрадада сатира ва юморни тиклаш йўлида қўйилган дастлабки қадамдир. Шунинг учун автор ва режиссёр (М. Асадуллаев) бу тамошани саҳналаштиришда баъзи нуқсонлардан ҳоли бўлаолмаганлар. Аввало шуни айтиш керакки, тамошанинг ривожланишида динамика йўқ. Конферансье номерлари жуда кам. Интермедиялар орасида Тошкент шаҳрининг шу кунги ҳаётига тааллуқли конкрет темалар йўқ. Ваҳоланки, тамоша Тошкентда қўйилаётганини ва ундан шаҳар хўжалигидаги камчиликларни очиб ташлаш учун фойдаланиш зарурлигини унутмаслик керак эди.

Ўзбек давлат эстрадаси яхши ташаббус бошлади. Уни ярим йўлда қолдирмаслик, аксинча, турли истеъдоддаги авторларни — ёзувчилар ва журналистларни, шунингдек комик артистларни кенг жалб этган ҳолда, уни тағин ҳам изчиллик билан давом эттирмоқ керак. Бу ишда эстрада ижодий коллективига янги муваффақиятлар тилаймиз.

Турғун ПЎЛАТ.

Ер сунъий йўлдошларининг ҳаракати тўғрисида

Ернинг иккинчи сунъий йўлдоши 26 ноябрь эрталаб соат 6 га қадар Ер атрофини 320 марта айланиб чиқди. Ернинг биринчи сунъий йўлдоши шу вақтга қадар Ер атрофини 790 марта ва уни учирган ракета 798 марта айланиб чиқди.

Ҳаво очиқ бўлганда Ернинг иккинчи сунъий йўлдошини қуёш чиқиши олдидан шимолий кенгликнинг 58 градусидан 64 градусигача ҳамда қуёш ботгандан кейин жанубий кенгликнинг 27 градусидан 57 градусигача оддий кўз билан кўриш мумкин.

Биринчи йўлдошни учирган ракетани қуёш ботгандан кейин шимолий кенгликнинг 0 градусидан 60 градусигача ва қуёш чиқиши олдидан жанубий кенгликнинг 0 градусидан 65 градусигача кўриш мумкин.

Ўтказилган ўлчашлар ва ҳисоблар шуни кўрсатадики, биринчи йўлдошни учирган ракета декабрь ойининг биринчи ўн кунлигида Ер атмосферасининг зич қатламларига кириб, йўқ бўлиб кетади. (ТАСС).

Қиш бошланди.

А. Абдуазимов фотоэтюди.

ҲОДИСА

ЖИНОЯТЧИ ҚУЛГА ТУШДИ

А. В. Среда деган бир шахс Ростов областининг бир корхонасида ишлаб, давлатнинг 185 минг сўмлик маблағини талон-торож қилган эди. Сири очилганини билган жиноятчи жавобгарликка тортилишдан қўрқиб, номаълум томонга қочди. Милиция органлари уни қидира бошладилар.

Яқинда Тошкент шаҳар милиция ходимларидан лейтенант Саъдиев ва младший лейтенант Хожибоев ўртоқларга мана шу растратчининг Киров райони территориясида пайдо бўлганлиги маълум бўлиб қолди. Турар-жойидан рўйхатдан ўтмаган кишини топиш жуда қийин эди. Лекин бу ҳол ғайратли офицерларни чўчитолмади. Лейтенант Ўртоқ Саъдиев кечаю-кундуз тинмай ишлади, маҳаллаларга бориб, турли гражданлар билан гаплашди. Ниҳоят, у жиноятчининг қаерда яшириниб юрганлигини аниқлашга муваффақ бўлди.

Энди жиноятчи Средани ушлаш керак эди. Бу ишни младший лейтенант Ўртоқ Хожибоев моҳирона адо этди. У икки сутка давомида жиноятчини пойлади. Аммо жиноятчи ҳам бўш келмади. Маккор Среда қўлга тушмаслик учун кўп ҳаракат қилди. Бир кеча бир жойда тунаса иккинчи куни бошқа жойга борди. Милиция ходимларини чалғитишга уринди. Лекин бундан ҳеч нарса чиқмади. Зийрак офицер Хожибоев жиноятчини топиб ва у билан яккама-якка олишиб, уни ушлади. Бунинг учун Ўртоқ Хожибоев Тошкент шаҳар ижроқоми милиция бошқармасининг фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Мирзачўл кўкаламзорлаштирилмоқда

ЯНГИЕР, 20 ноябрь. (ЎзТАГ). Мирзачўлда дарахт кўчатлари ўтказиш ойлиги тамом бўлди. «Главголодностепстрой» кўкаламзорлаштириш ва дарахт кўчатлари ўтказиш бошқармасининг бошлиғи Р. Носиров ЎзТАГ мухбири билан қилган суҳбатида қуйидагиларни айтди:

— Кўчат ўтказиш ойлиги мобайнида Мирзачўлни кўкаламзорлаштириш соҳасида талай ишлар қилинди. Яқинда ташкил топган «Дружба», «Фарҳод», Булганин номли ва бошқа совхоз посёлкаларида 70 минг туп мева дарахти кўчатлари ва ток қаламчалари ўтказилди. Кўчат ва қаламчалар Мирзачўл ерлари шароитига мосланиб алоҳида сортлар етиштира олган давлат кўчатзоридан олинди. Булар ичида узумнинг «Нимранг», «Хусайни», олманинг «белий налив», «золотой пармен» каби хиллари энг яхши сортлардир. Бундан ташқари у жуда кўп дуб, клен, ясен, акация ва терак дарахтлари ўтказилди.

Янгиер шаҳрида яшил деворлар барпо қилиш учун 50 минг туп бута ўтказилди. Катта ўзбек трактининг Мирзачўл территориясидан ўтадиган қисми кўкаламзорлаштирилмоқда.



Суратда: Пролетарская кўчасида қурилган янги уй-жой биноси.

Р. Рустамов ва **А. Абдуазимов** фотоси.

* * *

Операция бошланган вақтда оддий аскар Николай Епифанов қуршаб олинган район марказида эди. У хизматдан бўш вақтида сержант Николай Герасимов билан кечаси чўл жайранларини овлашга Қуруқсойга борган эди. Бу жой тинч ва хилват эди. Тиконлар ўсиб ётган бу пастқамликда кичкина чашма оқиб чиқиб ётарди. Кечалари бу ерга жайранлар тез-тез тушиб турарди.

Икки оғайни тунги шитир-шитирга қулоқ солиб, сўқмоқда тентиб юрарди. Тўсатдан орқа томондан кичик туёқларнинг овози эшитилиб қолди. Бир томонда жайранлар галаси қуюндай елиб югурарди.

— Уларни ким ҳуркитиши мумкин? — деди ўйчанлик билан Епифанов.

— Қоплон ов қилаётган бўлса керак, — деди Герасимов.

Ов ўнгидан келмади. Жайранлар ҳам қайтиб қорасини кўрсатмади. Оғайнилар уйга қайтаётиб, назоратиз полосасига етиб келганда соат тўққизлар бор эди.

— Ҳой овчилар, — деб қаттиқ чақирди солдат Иванов уларни, — сизлар бу ёқда сандиқлаб юрибсизлар, у ёқда эса чегара бузилган. Тревога!

— Застава бошлиғи қаёқда? — деди чўчиб Герасимов.

— Из қувиб кетди! Ҳу, ана капитан Никулин ит билан келяпти. Ушангга мурожаат қилинглар.

Капитан вазиятни қисқа қилиб тушунтириб берди ва группа билан боришга буюрди. Епифанов командирнинг гапини тинглаб бўлгач, ўз фикрини айтди:

— Анави, Қуруқсойда чашма бор, Ўртоқ капитан. — Ўша ерни кўриқлашга борсак нима дейсиз? Теварак-атрофда ҳеч қаерда сув йўқ, балки жосус сув бўйига келиб қолар.

— Тўғри таклиф, — деди капитан. — Ўртоқ сержант, сиз бошлиқ, ишга киришинглар!

* * *

Орадан кўп ўтмай, жарлик тамом бўлди, Десяткин ва Никулин раҳбарлик қилаётган группа уч қисмга бўлинди. Олдинда яна уч дара бор эди, итлар яна изни йўқотиб қўйди. Десяткин ва сержант Егор Колесников Урал номли ит билан чап томонга кетишди. Етти километрча наридан чегара линияси ўтарди. Ўн минут чамаси овчарка хотиржам борди. Лекин у тўсатдан типирчилаб, ерни ҳидлади-да, олга қараб тез судраб кетди.

— Ҳа, жонивор, ҳа! Топдинг, изни топдинг, — деди сержант.

Урал довонга кўтарилди. У бир пас ўша ернинг уёқ-буёғини айланди-да, ён томонга кескин бурилди, аммо аввалги сўқмоққа эмас, балки анча чапроққа бурилди.

— Яшавор! — деди Колесников мақтовдан ўзини тийиб туролмай.

Камдан-кам итларгина бунақа ўткир бурчакларда тўғри ҳид ола билади. Овчарка, изни тўғри олган эди, албатта.

... Ҳаш-паш дегунча қоронгу ҳам тушиб қолди. Герасимов билан Епифанов ҳали ҳам чашма бўйида эди.

— Биз-ку бу ерда ўтирибмиз, бордию, жосусни аллақачон ушлаган бўлишсачи? — деди Епифанов.

— Даргумон. Ундоқ бўлса бизга одам юборишарди.

Яна ярим соатча вақт ўтди. Ўнг томондаги ғира-шира ёнбағирликдан жайранлар галаси чопқилаб келабошлади. Уларнинг орқасидан эса одам шарпаси кўринди. Чамаси, у чашма томонга келаётган бўлса керак.

Солдатлар жим бўлишди. Нотаниш киши беш юз метрча яқин келиб қолганда нима бўлдию, тик жарликдан пастга қараб тош майдалари тушиб кетди. Чегарачилар нотаниш кишининг кескин бурилиб, тез туриб қолганини ва ёнбағирга қараб тез чиқиб кетаётганини кўришди. Эҳ, бу майда тошлар, шундай бир ёвузни қўрқитиб юборди-да!

Жангчилар пистирмадан сакраб чиқди. Нотаниш киши ҳаш-паш дегунча довон тепасига чиқиб олди-да, бир зумда кўздан ғойиб бўлди. Чегарачилар тоққа чиқиб, водига қараб чопиб кетишди. Йўл икки тарафга қараб кетган эди.

— Николай сен шу ерни қўриқлаб тур, мен чапга бораман! — деб қичқирди Герасимов.

Епифанов тор шағал аралаш дарага қараб чопиб кетди. Мана, олдинда яна қора гавда кўринди. Унча олис эмас, уч юз метрча нарида.

— Тўхта! — деди жангчи ва огоҳлантириш учун автоматдан шиғаб ўқ узди.

Унга жавобан қоронғуликни бир неча сарғиш-қизил ёлқин кесиб ўтди. Епифанов биқинида қаттиқ оғриқ сезди, аммо таъқиб қилишда давом этди. Дара яна ҳар томонга бўлиниб кетди. «Қаёққа бурилдикин-а? Аблаҳни қўлдан чиқардимда!» деб солдат ўзини койиди.

«Қаердадир шу ерда розетка бўлиши керак, дарҳол заставага хабар қилиш керак, — деган қарорга келди Епифанов. У оқсаб, йиқилиб-сурилиб сигнал линияси ўтган жойга аранг етиб борди...

СУНГГИ ҲАРАКАТ

Отряднинг хабарлар дафтарида қуйидагича янги ёзувлар пайдо бўлди:

21.30. Чегара чегарачилар томонидан ҳалқага олинди.

22.30. Подполковник Чалий олтинчи қидирув группасидан чап томонда ўқ овозларини эшитганлигини хабар қилди. Группа қайтиб, ҳозир ўша томонга қараб ҳаракат қилмоқда.

23.30. Оддий аскар Епифанов қуршалган райондан жосус билан учрашганлигини хабар қилди. Чегарачи номаълум киши назорат-из полосасига қайтиб кетаётган бўлса керак, деган тахминни айтди. Епифанов яралди.

1.20. Лейтенант Десяткин ва сержант Колесников ит билан из олиб бормоқда. Из НИПга қараб кетган. Епифанов госпиталга жўнатилди.

* * *

Урал НИПга олиб келди. Десяткин чироқчаси билан ерни ёритиб, юмшоқ чорлқдан қолган таниш изларни кўрди. Излар ўша аввал кўргани каби аниқ эди. Колесников Урал билан нарига югуриб кетди.

Тонг ёриша бошлади. Десяткин бўлса ҳамон ерга ўйилган туҳумсимон чуқурчаларни синчиклаб кўздан кечирмоқда эди. Йўқ, у энди янглишмайди. Душман худди мана шу томондан мамлакат ичкарисига ўтган. Афтидан, унинг полосадан қандай ўтиш тўғрисида ўйлашга вақти бўлмаганга ўхшайди. У қумлар орасида қутулиб қолишга ишониб, ўбдон югурибди.

Оралари узоқ эмасди. Колесников итнинг бошини баланд кўтариб сакраб кетаётганини кўрди. Ҳа, албатта, ана у. Олдинда учюз метрча нарида гавда кўринди.

Урал ҳоҳлаган вақтда «ол» деган командани бажаришга шайланиб, тасмасини таранг тортиб турарди. Аммо бунақа команданинг ҳожати йўқ эди.

— Тўхта! Қўлингни кўтар! — деб қичқирди Колесников.

— Отма! — деб ингради жосус кўз ёши аралаш ва ерга ўтирди. — Сув! Сув беринг!

Бошқа томонлардан ҳам қидирув группалари яқинлашиб келди. Уларнинг ҳаракатини Керженцев билан Дубравин мувофиқлаштирган эди.

(ДАВОМИ БОР).

Боши газетанинг 17, 19, 20, 23 ва 24 ноябрь сонларида.

«Социалистик Ўзбекистон» журналининг 11-сони

«Социалистик Ўзбекистон» журналининг ноябрь сони рассом П. Васильевнинг «В. И. Ленин октябрь кунларида» темасида чизган расм ва «Улуғ байрам» сардавҳали бош мақола билан очилади. Бу сонда шоир Мамарасул Бобоевнинг «Республикамиз байроғи» сарлавҳали шеъри, «Октябрга совғалар» сарлавҳали редакцион мақола ва октябрнинг 40 йиллигига бағишланган бошқа материаллар босилган.

«Революция қатнашчилари ҳикоя қиладилар» рубрикаси остида берилган кекса большевиклар хотиралари ҳам диққатга сазовордир. Шунингдек бу сонда шоир М. Шайхзоданинг «Тошкент» сарлавҳали шеърини ўқийсиз.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 28/XI да **Травната.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Янги программада тамошалар. **Ҳинд филлари** аттракциони. Ўргатувчи — РСФСРда хизмат кўрсатган артист **А. Н. Корнилов.** Кеч соат 8 да бошланади.

«ЕШ ГВАРДИЯ» — кундуз ва кечқурун **Олтин ўргимчак,** кундуз 4 ва кеч 6 да **Тинч оқар Дон** (1-серия), кеч 10 да **Мексика серенадаси.**

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Олтин ўргимчак,** кундуз соат 2 ва кеч 8 да **Она меҳри.**

«ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА — «Б» класси зоналарининг ғолиблари ўртасида Совет Иттифоқи биринчилиги учун «А» классига ўтказиш юзасидан финал ўйинлар — 27/XI кундуз соат 3 да **СКВО (Тбилиси) — «Спартак» (Станислав) командалари ўртасида футбол.** Ўйин ҳар қандай обҳаво шароитида бўлаверади.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА
27 ноябрда

КАТТА КОНЦЕРТ

Концертда: Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Галия Измайлова, Карим Зокиров,** Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Саодат Қобилова, Салима Хўжаева, Ноила Ҳошимова, Саттор Ярашев, К. Давидова, Гулнора Маваева, Михаил Давидов** ва солистлар қатнашади.

Ўзбек чолғу асбоблари ансамбли жўр қилади. дорада — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Р. Исахўжаев,** программани **Ж. Низомхўжаев** олиб боради.

Концерт кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26534 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040. Қишлоқ хўжалик бўлими — 135. Саноат ва транспорт бўлими — 132. Хатлар бўлими — 156, Маҳаллий ахборот бўлими — 132. Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 07810. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. № 1889.